

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАҲСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ



“Саноат ишлаб чиқаришни ташкил этиш” кафедраси

Исроилова Дилфузава ва Эралиев Алишер

**“КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ ИҚТИСОДИЁТИ”
ФАНИДАН АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЙИЧА
УСЛУБИЙ КЎРСАТМА**



Андижон - 2015

Тузувчилар:

1. Д. Исроилова - АндМИ «Саноат ишлаб чиқаришни ташкил этиш» кафедраси доценти.
2. А. Эралиев - АндМИ «Саноат ишлаб чиқаришни ташкил этиш» кафедраси кат. ўқит.

Такризчилар:

1. У. Собирови.ф.н., доц. АндМИ «МИЧА» кафедраси мудири
2. Э. Қўлдашеви.ф.н., – АндМИ. «МИЧА» кафедраси доценти

«ТАВСИЯ ЭТИЛГАН»

Услубий кўрсатма «Саноат ишлаб чиқаришни ташкил этиш»
Кафедраси умумий йиғилиши томонидан
муҳокама қилинган вата сдиқланган

Кафедра мудири: _____ А. Абдуллаев
Кафедра мажлисининг «__» _____ 2015 й.
№ _____ сонли баённомаси.

« МАЪҚУЛЛАНГАН »

Услубий кўрсатма «Технология» факултети
Кенгаши томонидан
муҳокама қилинган вата сдиқланган

Кенгаш раиси: _____ доц. Ш. Эшон
баённома № _____ «__» _____ 2015 й.

Келишилди: Ўқув – услубий бўлим бошлиғи:

_____ М. Журахонов «__» _____ 2015 й.

МУНДАРИЖА

	Кириш	
1.	Қурилиш – миллий иқтисодиётнинг муҳим тармоғи	
2.	Бозор ва қурилиш иқтисодини ислоҳ қилиш муаммолари	
3.	Инвестиция сиёсати, инвестициявий лойиҳалар ва иқтисодиётни модернизациялаш	
4.	Инвестициялар иқтисодий самарадорлигини баҳолаш услублари	
5.	Қурилишни бошқаришнинг замонавий тизими	
6.	Қурилишда фан-техника тараққиёти ва унинг иқтисодий самарадорлиги	
7.	Қурилиш фаолиятини режалаштириш асослари	
8.	Қурилиш индустриясининг ишлаб чиқариш ва ресурс потенциали ва ундан оқилона фойдаланиш йўллари	
9.	Қурилишда баҳони шакллантириш, фойда ва рентабеллик	
	Фойдаланилган адабиётлар	

Аннотация

Семинар ва амалий машғулотлар – таълим жараёнининг мустақкамловчи (маърузадан сўнг) босқичидир. Ушбу машғулотлар ўқитувчи (одатда, ассистент) раҳбарлигида ўтказилади ва талабаларда ҳўжалик амалиётига имкон қадар яқинлаштирилган турли иқтисодий вазиятларни таҳлил қилиш ва баҳолаш борасидаги мустақил кўникмалар ҳосил қилишга қаратилган.

Семинар ва амалий машғулотлар ўтказиш пайтида айнан талабатаълим жараёнининг асосий «қаҳрамони» га айланади.

«Капитал қурилиш иқтисодиёти» анибўйича практик умсеминар ва амалий машғулотлар учун ўқув режасида ажратилган соатлар доирасида курс дастурида кўздатирилган мавзу ва масалалар асосида яратилган.

У бир ламчина зарий қоидалар, капитал қурилиш ва сармоялар киритиш жараёнлари билан боғлиқ вазиятларни масалаларни ечиш бўйича услубий кўрсатмалар ва рақамли маълумотлар дани бораттузилишга эга.

Қулай ва самарали фойдаланиш учун практик ум аввал мавзуни қисқача эслатиш, сўнгунга доир асосий масалаларни семинар машғулотлари дакенг муҳокама этиб, улар бўйича масалалар ечишга мўлжаллаб тузилган.

Капитал қурилиш соҳасига доируш бўмасалаларда келтирилган рақамли маълумотлар арреала амалиётга имкон қадар яқинлаштирилган, бироқ баъзи ҳолларда шартли ҳарактерга эга.

Практик ум иқтисодий ўналишдаги ўқув юртларининг талаба ва ўқитувчиларига мўлжалланган.

Кириш

Таълимжараёнидагисифаткўрсаткичларинияхшилаш,
яънижаҳонандозаларигамос, рақобатбардош, юқорисавияга
эга бўлган мутахассислар тайёрлаш бугунги куннинг долзарб бўлган жараёнлардан биридир.

Ушбу мураккаб муаммоларни ечимини топибуларни амалда кенг қўллаш олиятъли
мтизими ҳодимлари олдига жуда катта ва зифалар белгилайди.

Бунда аниқ ва зифалар сифатида бевосита ўқув жараёни нияхшилаш,
ўқув дастурларинияна дата қомиллаштириш,
ўқитишнинг замонавий педагогик технологиялариния амалга жорий қилиш,
техник воситаларидан кенг фойдаланиш вазифаси софадан ўқитишни кенг жорий
қилиш даниборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов
ва ҳукумат ахборот технологиялари дастурий воситалари,
маълумотларнинг ахборот базалари,
мултимедиа воситалари таълим жараёни ахборотлаштириш,
узлуксиз таълим тизиминия ахборот тармоғи билан таъминлаш воситида жаҳонандоза
ларига мос келадиган кадрлар тайёрлаш масалаларига
эътиборни сусайтирмай келмоқда.
Узлуксиз таълимга ўтиш шароитида таълим муассасаларининг бусоҳадаги асосий ва
зифалариния аниқлаб, педагогика фани ва амалиёти олдида
«...ўрта ва олиятълимнинг таълим стандартларига мувофиқ равишда
электрон ўқитиш базасинияратиш,
таълим муассасаларининг ахборотингфратузилмасиния шакллантириш,
барча ўқув муассасаларида инглиз тилини чуқур ўргатиш, шунингдек,
республика ахборот тармоғида лотин алифбосига асосланган ўзбек тилидан фойдала
нишнинг стандартлаштирилган механизминия шлаб чиқиш вазифасиния
этиш дастурий чора-тадбирлар...»¹ни ишлаб чиқиш юқлатилган.

Таълим сифати ва усулига қараб билим ҳосил бўлади. Бу ўқитувчининг
маҳоратиниягина эмас, балки тингловчининг истак-ҳоҳиши, қобилияти ва билим
даражасиния ҳам белгилайди. Таълим узоқ давом этадиган жараёндир. Билим
эса таълимнинг узлуксизлиги воситасида бериладиган мавҳум тушунчага эга
бўлган ҳодисадир. Билим хусусийликка эга бўлса, таълим умумийликка эгадир.
Таълим барча учун бир хилда давом этадиган жараён. Билим объектив

1. И. Каримов. «2015 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар
этиш, ўзиния оқлаган ислохотлар стратегиясиния изчил давом эттириш йили бўлади». «Халқ сўзи» № 13
13.01.2015й.

борлиқдаги воқеа-ҳодисаларнинг инъикоси натижасида инсон миясидаги мушоҳадалар ва тасаввурлар натижасида ҳосил бўладиган тушунчалар йиғиндиси сифатида намоён бўлади. Таълимдаги сифат уни беришда иштирок этадиган кишилар сифати билан белгиланса, билим индивидуалликка эга бўлади. Моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги юз бераётган ўзгаришларнинг бугунги босқичида таълим соҳасида сезиларли силжишлар кузатилмоқда. Бу тизим, бутун иқтисодиёт тизими каби янги жиҳатлар, янги йўналишлар, янги ёндашув ва мазмун касб этмоқда. Бозор иқтисодиёти бугунги кунда фаннинг турли соҳаларида чуқур билимга эга бўлган, мустақил ҳисоб-китоблар юрита оладиган, тўғри хулосалар чиқара оладиган ва истиқболни белгилай оладиган малакали мутахассисларга сезиларли эҳтиёж сезмоқда.

Давлат ва хўжалик субъектлари миқёсида амалга оширилаётган инвестиция сиёсатини, унинг устивор йўналишларини яхши тушуниш, капитални янги қурилишга сарфлаш вариантларини, амалдаги ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш ва реконструкция қилишни, фан-техника тараққиётининг энг янги ютуқлари асосида техника ва технологияларнинг янги турларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий қилишни, ресурслардан фойдаланиш, бошқарув, тадбиркорлик ва бизнесни билиш бугунги кундаги мутахассислар учун жуда муҳимдир.

“Капитал қурилиш иқтисодиёти” курснинг ўрганиш **объекти** - миллий иқтисодиётнинг алоҳида тармоғи ҳисобланган қурилиш ва унинг ишлаб чиқариш бўғинлари - қурилиш бошқармалари, трестлар, қурилиш индустриясидаги саноат корхоналари, лойиҳалаш муассасалари ва бошқа уларга тенглаштирилган хўжалик субъектларидир.

Курснинг ўрганиш предмети эса қурилиш ишлаб чиқаришининг ривожланиш қонуниятлари ва тенденциялари, шунингдек, бевосита қурилиш корхоналари иқтисодиётига доир масалалар, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва қурилишда бозор муносабатларини шакллантириш вазифаларидир.

Курснинг асосий мақсади - талабаларга қурилиш иқтисодиёти соҳасидаги билимларни бериш, қурилишнинг такрор ишлаб чиқариш жараёнидаги алоҳида ўрни, инвестициялаш стратегияси ва тактикаси, қурилиш ишлаб чиқаришини режалаштириш ва бошқариш, шунингдек, олинган билимлардан хўжалик амалиётида маҳорат билан фойдаланиш, уларни иқтисодиётнинг бошқа соҳа ва тармоқларига ҳам амалда тадбиқ эта олишни ўргатишдир.

Курснинг асосий вазифалари талабаларга қуйидаги билимларни беришдан иборат:

- иқтисодиётдаги ўзгаришларни ва жамиятнинг ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришдаги роли ва ўрни;
- қурилиш ишлаб чиқаришини бошқаришнинг замонавий тизимини, қурилиш жараёни қатнашчиларининг ўзаро муносабатлари;
- инвестиция лойиҳалари ва ечимларини таҳлил қилиш ва баҳолаш ҳамда уларнинг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш усуллари;

- қурилиш индустриясининг ресурс салоҳиятини ўрганиш ва ундан ресурслар ва вақт омили чекланган шароитларда фойдаланишнинг оқилона йўллари аниқлаш;
- қурилиш соҳасидаги иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари ва вазифалари;
- иқтисодиётни бошқаришнинг турли поғоналарида қурилиш ва инвестиция мақсадларни режалаштириш, прогнозлаш, молиялаштириш ва кредитлаш асосларини ўзлаштириш.

1-Мавзу. ҚУРИЛИШ – МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИНГ МУҲИМ ТАРМОҒИ.

Қурилиш, мустақил тармоқ сифатида илмий техникавий тараққиётнинг жадаллашуви ва миллий иқтисодиётнинг юксалишида катта ўрин тутади.

Қурилиш маҳсулоти деб, барча иш турлари бўйича якунланган ва ишга туширишга тахт қилиб қўйилган ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш асосий фондлари, шунингдек, корхоналарни қайта техник жихозлаш билан бирга амалга оширилган кенгайтириш ва реконструкция қилиш жараёнлари қабул қилинади. Шу боис қурилишни тўғри ҳудудлаштириш ва ерлардан унумли фойдаланиш нафақат тармоқ миқёсида, балки умуммиллий аҳамият касб этади.

Тармоқнинг яна бир муҳим хусусияти - қурилиш маҳсулотининг мураккаблиги, улканлиги, меҳнат ва маблағ сарфи катта эканлигидир. Бу хусусият ўз навбатида қурилишни амалга оширишда самарадорлик, ресурсларни тежашга эришиш муаммосини айниқса долзарблаштиради.

Қурилишни ўзига хос жиҳатларидан бири - қудратли ташкилотларнинг буюртмасига, маблағларига сурункали қарамлигидир. Шу боис қурилишнинг буюртмачи (буюртмачилар) томонидан етарли даражада ва ўз вақтида молиялагштирилиши – қурилишнинг бир маромда ташкил этиш ва иншоотларнинг белгиланган муддатга топширилишининг муҳим шартидир.

Ва ниҳоят, қурилишнинг яна бир муҳим жиҳати – буюртмачиларнинг истаги ва молиявий имкониятларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаштирувчи ташкилотлар томонидан яратилган лойиҳалар асосида иншоотларни қуришдир.

Лойиҳа-смета ҳужжатларини ўз вақтида ва сифатли қилиб бажарилиши қурилиш иқтисодиётига ва капитал қўйилмаларининг самарали бўлишига катта таъсир кўрсатади.

Мавзунини ўрганиш учун услубий тавсиялар.

Ушбу мавзунини тўғри ва чуқур англаш кейинчалик «Капитал қурилиш иқтисодиёти» курсини фан сифатида яхлит ўрганиш учун замин яратади. Қурилишнинг аҳамиятини тушунтириш бир қарашда оддий бўлсада, унга жиддий ёндашиш муҳим. Зеро, капитал қурилиш сиёсати инвестициявий сиёсат билан чамбарчас боғланган бўлиб, макро миқёсда давлат иқтисодий сиёсатининг таркибий қисми, микро миқёсда эса қурилиш, асосий фондларни

реконструкция қилиш ёки кенгайтиришга йўналтирилган хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестициявий сиёсатидир.

Кўриб чиқиладиган мавзу ва у бўйича билдириладиган фикр-мулоҳазалар нафақат ватанимиз, балки чет эл қурилиш илми ва амалиёти мисолида келтирилса, янада қизиқарли ва фойдалироқ бўлади. Бу фикрлар айниқса қурилишнинг кенг кўламли ва илғор услубларини донг таратган етакчи мамлакатлар тажрибасига таянса, айтиш мумкин бўларди. Бироқ бунинг учун, таъкидлаб ўтилганидек, нафақат ватанимизда, балки хориждаги махсус адабиётлар билан таниш бўлиш лозим.

Капитал қурилишнинг миллий иқтисодиёт ривожигадаги ўрнини ўрганишда ислохотлардан аввалги, яъни режали иқтисодиёт шароитида ва ислохотлардан кейинги, яъни Ўзбекистон мустақиллиги даврида қурилишнинг ривожланишини қиёсий таҳлил қилиш лозим. Қолаверса, қурилишнинг иқтисодий, техник, ташкилий хусусиятларини тўлиқроқ ўрганиш зарур. Қурилишнинг соҳа сифатидаги ривожланишини ўрганишда, қурилишни тез суръатларда ва зарур кўламда олиб бориш учун керак бўлган моддий техникавий асосининг такомиллашуви билан боғлаш лозим. Қурилишнинг замонавий моддий-техникавий негизининг тезлаштирилган ривожининг тамойиллари ва шарт-шароитлари, унинг бозор иқтисодиёти шароитида шаклланиши ва молиялаштирилиши тартибига эътибор қаратиш зарур.

Мавзу масалаларини назарий жиҳатдан тўғри тушуниш билан бирга иқтисодий ҳисоб-китобларни тўғри бажаришни билиш ҳам керак. Иқтисодий ҳисоб-китоблар эса амалда кўпинча корхона, тармоқ ёки ҳудуд миқёсида асосий капиталга киритиладиган сармояларнинг хажми, суръати ва меъёрлари, тугалланмаган ишлаб чиқариш хажми, қурилиш учун зарур сарф харажатларни олдиндан аниқлаб олиш, қурилишнинг титул рўйхатларини тузишга йўналтирилади.

Истиқболдаги (режалаштириладиган) даврга инвестициялар хажми ишга тушириладиган асосий фондларининг қиймати ва даврнинг боши ҳамда охирига мўлжалланган маблағлар ўртасидаги фарқни кўзда тутати. Улар қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$K = \Phi_{up} - Z_b + Z_o,$$

Бунда: Φ_{up} – режалаштириладиган даврда ишга тушириладиган асосий фондлар; Z_b ва Z_o – режалаштириладиган йил боши ва охирига мўлжалланган задел.

Тугалланмаган қурилиш – қурилиши якунланмаган ва ишга туширилмаган иншоот ва объектлар мажмуи. Тугалланмаган қурилиш – вақтли кўрсаткич бўлиб, унинг абсолют ўлчами алоҳида, аниқ бир муддатга нисбатан аниқланади. Тугалланмаган қурилишни натурал (табиий) ифодалашда қурилиш ва объектлар сони билан, қиймат билан ифодаланганда эса бошланган, лекин якунланмаган ва ишга туширилмаган иншоотлар бўйича ўзлаштирилган маблағлар қиймати орқали кўрсатилади.

Тугалланмаган қурилиш қолдиғининг йил охирига ҳисоб-китоб қилиш қуйидаги формула бўйича бажарилади:

$$T_c = T_\sigma + K_{\dot{\text{y}}} - \Phi_{\text{кй}},$$

Бунда: T_σ – йил бошига тугалланмаган қурилиш; $K_{\dot{\text{y}}}$ – йиллик капитал қуйилмалар хажми; $\Phi_{\text{кй}}$ – йил давомида ишга туширилаётган асосий фондлар.

Қурилишда одатда задел яратилади, яъни қурилишнинг бир маромда боришини таъминлаш учун зарур бўлган иш хажми ёки иншоотнинг бир қисми.

Масалан, саноат учун мўлжалланган иншоотларни қуришда задел катталиги қиймат ва қувват бўйича аниқланиши мумкин.

Заделнинг қиймат бўйича ҳисоблашда қуйидаги формула қўлланилади:

$$Z_n = (K_n - B_n) \times C$$

Бунда: Z_n – смета қиймати бўйича задел;

K_n – объектнинг (корхонанинг) тайёрлик кўрсаткичи, йил охиригача амалга оширилган капитал қуйилмаларнинг қурилаётган объектнинг бутун смета қийматига ёки задел меъёрлари билан аниқланган қийматига нисбати сифатида ҳисобланади, яъни объектнинг лойиҳа бўйича тайёрлик кўрсаткичи;

B_n – асосий фондларнинг оралиқда (навбатма-навбат) ишга туширилишининг кўрсаткичи (йил охирида ишга туширилган объектларнинг бутун корхонанинг смета қиймати ёки нормативлар билан белгиланган асосий фондларни оралиқда ишга тушириш кўрсаткичи, фоиз ҳисобида);

C – корхона қурилишининг смета қиймати.

У ёки бу соҳа учун қувват бўйича заделнинг катталигини ҳисоблашда қуйидаги формула қўлланади:

$$D_{\text{сi}} = \frac{\sum \dot{I}_i \times n_i}{T_a \times 100}$$

Бунда: $D_{\text{сi}}$ – қувват бирлигига мос келувчи ҳисоблаб чиқилган қувват бўйича задел кўрсаткичи;

$\dot{I}_i$ – тегишли гуруҳлардаги корхоналар қувватини қурилишда бўлган барча корхоналардаги улуши;

n_i – тегишли гуруҳлардаги корхоналар қурилишининг меъёрий (норматив) давомийлиги (йилларда);

T_a – янги қувватлар ишга туширилиши мўлжалланаётган кейинги режашаштирилаётган давр (йилларда).

Режашаштирилаётган (башорат қилинаётган) даврда бунёд этилиши лозим бўлган корхоналар ва қурилишнинг бошқа объектлари қурилишларнинг титул рўйхатига киритилади. Бундай рўйхатларда қурилишнинг барча йиллардаги қурилиш-монтаж ишлари хажми, қувватлар ва асосий фондларни ишга туширишнинг муддатлари, уларнинг смета қийматлари ҳақидаги маълумотлар киритилади. Титул рўйхатларига тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига эга бўлган қурилишлар киритилади.

Титул рўйхатининг шакли ва таркиби, ишлаб чиқариш учун мўлжалланган мураккаб қурилишлар ҳақидаги маълумотлар қуйидаги жадвалда келтирилган.

Энг муҳим ва йирик қурилишларнинг титул рўйхати ҳукумат томонидан тасдиқланадиган инвестицион лойиҳаларда акс эттирилади. У қурилишни лойиҳалаштириш ва унинг боришини назорат қилиш учун муҳим ҳужжат бўлиб хузмат қилади.

Хўжалик амалиётида бошқа ҳужжат, яъни буюртмачи ва бош пудратчи ўртасида тузиладиган қурилиш ичидаги титул рўйхати ҳам қўлланади. Бу ҳужжатдан одатда қурувчилар фойдаланадилар. Унда режалаштирилаётган (башорат қилинаётган) даврда бунёд этилиши керак бўлган барча иншоотлар санаб ўтилади, ҳат бир объект бўйича тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг ўзгариши кўрсатилади, бу эса қурилиш босқичлари бўйича ҳисоб-китоб қилиш учун жуда муҳим. Бу рўйхатга лойиҳа-смета ҳужжатлари билан таъминланмаган объектларни киритиш мумкин эмас.

Назарий муҳокама ва ўзини текшириш учун саволлар

1. Капитал қурилишнинг ишлаб чиқариш ривож ва иқтисодий янада юксалтиришдаги роли.

2. Қурилишнинг моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги мустақил тармоқ сифатидаги техник-иқтисодий хусусиятлари.

3. Лойиҳалаштириш ва унинг капитал қурилишнинг параметрларини ривижлантириш ва яхшилашдаги роли.

4. Қурилишнинг моддий-техникавий асоси, уни ҳамда хўжалик юртишнинг замонавий шароитида ривожлантириш ва жойлаштириш.

5. Ўзбекистон мустақиллиги йилларида капитал қурилиш ютуқлари.

Амалий машқлар

1-масала. Минтақа капитал қурилишининг сўнгги 3 йил мобайнида ривожланиши қуйидаги кўрсаткичларда таърифланган (1-жадвал).

1-жадвал

(млрд. сўм)

Кўрсаткичлар	1 йил	2 йил	3 йил
1. Асосий капиталга инвестициялар – жами	537,4	744,5	1320,9
шу жумладан, объектлар бўйича:			
ишлаб чиқариш учун мўлжалланган	309,0	427,8	843,2
ишлаб чиқариш учун мўлжалланмаган	228,4	316,7	486,7
2. Асосий фондларни ишга тушириш	343,6	514,0	990,9
3. Қурилиш-монтаж ишларининг қиймати	296,7	388,4	571,0
4. Тугалланмаган қурилиш хажми	516,9	761,6	1275,2
5. Қурилиш-монтаж ишларига жалб этилган ишчиларнинг ўртача рўйхат сони, минг киши.	215,6	190,8	162,5

Қурилиш тармоғи ривожланишининг бешинчи йилида асосий капиталга киритиладиган сармоялар хажмини учинчи (базис) йилда эришилганга нисбатан 1,5 маротаба, ишга туширилаётган асосий фондларни – 1,3 маротаба, қурилиш-монтаж ишларини – 1,4 маротаба орттириш кўзда тутилган. Бунда башорат қилинаётган инвестициялар таркибидаги тугалланмаган қурилиш хажми 30 %га пасайтирилиши лозим. Қурилиш-монтаж ишларида банд бўлган ишчиларнинг ўртача рўйхат сони 5 йилда 200 минг кишини ташкил этади.

Аниқлаш керак:

1) Капитал қурилиш кўрсаткичларининг 3 йил ичида ва режалаштирилаётган даврда ривожланиш суръати қандай бўлади;

2) Қурилишда банд бўлган ишчиларнинг иш унумдорлиги учинчи йилда ва бешинчи йилда қандай бўлади;

3) Режалаштирилаётган йилда тугалланмаган қурилишнинг мутлак (абсолют) ҳажми ва унинг сармоялар таркибидаги улушини аниқланг;

4) 3 йил мобайнида ва режалаштирилаётган даврда қурилиш-монтаж ишлари, асосий фондларни ишга тушириш ва инвестициялар таркибидаги тугалланмаган қурилиш ҳажмининг нисбатини аниқланг.

Бажарилган ҳисоб-китоб асосида капитал қурилиш ривожини баҳолаб, зарур хулосалар чиқаринг.

2-масала. 2016-2017 йилларда енгил саноатни ривожлантириш дастури қиймати 87 млрд. сўм бўлган бир қатор иншоотларни ишга туширишни кўзда тутди. 2016 йилнинг 1 январь ҳолатига шу санада бошланган объектлар бўйича тугалланмаган қурилиш ҳажми 16,1 млрд. сўмни ташкил этади. Кўрсатилган давр чегарасидан чиқувчи қурилишлар бўйича 2017 йилнинг 1 январь ҳолатига келгуси давр учун бажарилган ишлар ҳажми (задел) 22 млрд. сўмни ташкил қилади.

2016-2017 йилда мўлжалланган объектларни қурилиш учун зарур бўлган инвестициялар ҳажмини аниқланг.

3-масала. Енгил саноатдаги ўтувчи ва янги қурилишлар таркибида қуйидагилар бор: қуввати йилига 44 минг дона маҳсулот бўлган пайпоқ фабрикаси, қуввати йилига 8,5 млн. маҳсулот бўлган тўқимачилик фабрикаси, йилига 3 млн. жуфт пойафзал чиқарувчи корхона, йилига 2,6 млрд. сўмлик маҳсулот чиқарувчи тикув фабрикаси, йилига 110 млн. дм чарм ишлаб чиқарувчи корхона, 120 минг мато тайёрловчи пахта йигириш фабрикаси.

Пайпоқ, тўқимачилик ва пахта йигирув фабрикалари 2014 йилда, қолганлари эса 2015йил бошида қурила бошланди.

Сметақиймати ва 2016 йил бошига яқунланмаган қурилиш ҳажми қуйидаги маълумотлардан иборат (2-жадвал).

2-жадвал

(млрд. сўм)

<i>Раздел 1.01 объектлар</i>	Тўлиқ смета қиймати млрд. сўм	Тугалланмаган қурилиш млрд. сўм
Пайпоқ фабрикаси	980	320
Тўқимачилик фабрикаси	1900	640
Пойафзал корхонаси	1400	-
Тикув фабрикаси	1200	-
Чарм корхонаси	850	-
Пахта йигирув фабрикаси	2100	610

Қурилиш давомийлиги меъёрларида енгил саноат корхоналарини бунёд этишнинг қуйидаги муддатлари ва сармоялар (капитал қуйилмаларни) қурилиш йиллари бўйича қуйидагича тақсимлаш кўзда тутилган (3-жадвал).

Талаб этилади:

1) 2016 йилга енгил саноат бўйича капитал қурилмаларнинг умумий хажмини аниқланг.

2) Қуришларни титул рўйхатини тузинг.

3-жадвал

Объектлар	Қурилиш давомийлиги меъёрлари (ойларда)	Сармояларни йиллар бўйича тахлилий тақсимланиши (смета қийматига нисбатан фоизларда)		
		1 йил	2 йил	3 йил
Пайпоқ фабрикаси	26	15		
Тўқимачилик фабрикаси	26	30	55	15
Пойафзал корхонаси	22	40	60	-
Тикув фабрикаси	24	40	60	-
Чарм корхонаси	22	45	55	-
Пахта йигирув фабрикаси	26	30	55	15

4-масала. Смета қиймати 980 млрд. сўмлик макарон заводини қуриш пайтида иккинчи йил охиригача 830 млрд. сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажариш кўзда тутиляпти, қурилиш аввалиданбошлаб, биринчи ва иккинчи йил давомида заводнинг алоҳида цехлари бунёд этилиб, ишга туширилди. Ушбу цехлар қиймати 430 млрд. сўмга тенг.

Аниқлаш керак: Завод қурилишининг иккинчи йили охирида смета цехларида негиз хажми қанча бўлишини топинг.

5-масала. Келгуси 5 йил давомида машинасозлик тармоғида умумий қуввати 150 донна маҳсулот бўлган корхоналарни ишга тушириш кўзда тутилган. Бу корхоналар қурилиш муддатларига қараб, 4 та гуруҳга бўлинади. Бунда 1-гуруҳ корхоналарининг қуввати барча корхоналарнинг умумий қувватидан 20 %ни, 2-гуруҳ – 30 %ни, 3-гуруҳ – 40 % ва 4-гуруҳ – 10 %ни ташкил этади.

Дастлабки гуруҳ корхоналарини қуришнинг норматив давомийлиги – 2 йил, 2-гуруҳники – 3 йил, 3-гуруҳники – 1,5 йил ва 4-гуруҳники – 2,5 йилдан иборат.

Аниқланг – келгуси 5 йилликда режадаги қувватга эга корхоналарни ишга тушириш учун қандай бўлиши зарур?

Адабиётлар:

1. Э.Х. Махмудов. Капитал қурилиш иқтисодиёти, маърузалар матни, Т.: ТДИУ, 2010.

2. Графова Г.Ф., Гуськов С.В. Экономическая оценка инвестиций: Учебное пособие. Учебное пособие. – М.: «Дашков и К°», 2016. – 183 стр.

3. Степанова И.С. Экономика строительства. Учебник / под общей ред. - 3-е изд., доп. и перераб. Учебное пособие. - М.: Юрайт-Издат, 2016. – 620 стр.
4. Нешиной А.С. Инвестиции: Учебник. – 4-е изд., перераб. и доп. Учебное пособие. – М.: Издательско-торговая корпорация «Дашков и К°», 2006. – 376 стр.
5. Лапыгин Ю.Н., Балакирев А.А. и др. Инвестиционная политика. Учебное пособие. –М.: КНОРУС, 2005. – 320 стр.

2-Мавзу. БОЗОР ВА ҚУРИЛИШ ИҚТИСОДИЁТИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ МУАММОЛАРИ.

Иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва уни бозор асосига ўтказиш – тарихий ривожланиш жараёни ва жамият тараққиёти тақозо этган зарурат бўлди. Бу зарурат айниқса Собиқ Совет Иттифоқининг тарқалиб кетиши ва сиёсий маёдондан социалистик мамлакатларнинг буткул йўқ бўлганидан сўнг глобал миқёс касб этди.

Ўзбекистонда иқтисодиётни ислоҳ қилиш бозор муносабатига ўтишнинг ўзига хос модели асосида амалга оширилиб, унинг асосий тамойили – босқичма-босқич ўтишдан иборатдир. Ҳозирда республикада кўптармоқли иқтисодиёт шаклланиб, Госплан (давлат режалаштириш бошқармаси), Госнаб (таъминот бошқармаси) каби тизимлар тарқатилиб, эски вазирлик ва идоралар ўрнига янги тизимлар – холдинглар, компаниялар, уюшмалар, корпорациялар ва бошқалар ташкил этилди.

Миллий иқтисодиётнинг ажралмас қисми сифатида, қурилиш соҳаси мустақиллик йилларида улкан ўзгаришларни бошдан кечирди. Улардан энг муҳими – қурилиш вазирлиги, қишлоқ қурилиши вазирлиги, Ўзбошсувқурилиш, Тошкент қурилиш бош бошқармаси каби бошқарув тизимларининг йўқ қилиниши бўлди. Бундан ташқари, қурилиш соҳасининг ҳуқуқий меъёрий техник асоси мустахкамланди, қурилиш нормалари ва қоидалари қайта кўриб чиқилди, Ўзбекистон Давлат мулки кўмитаси томонидан «Хусусий қурилиш фирмаси тўғрисидаги қоида» тасдиқланди (2 декабрь 1998 й.).

Ислохот стратегияси қурилишни молиялаштириш тизимининг ўзгаришига хизмат қилди: эндиликда республика бюджетидан асосий капиталга киритилган сармоялар камайиб, корхоналар, аҳоли, чет эл инвесторларининг инвестициялари кўпайди. Мисол учун, 2001 йилда республикамизнинг асосий капиталига киритилган инвестицияларда чет эллик сармоядорларнинг маблағ ва кредитлари улуши 28 %ни ташкил этди.

Қурилиш иқтисодиётини ислоҳ қилишнинг муҳим масалаларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- Қурилиш саноатидаги корхона ва ташкилотларни хусусийлаштириш ва акциялаш жараёнларини янада чуқурлаштириш;
- Хусусий қурилиш фирмаларини ташкил этишни рағбатлантириш;

- Пудрат ва лойиҳа ишлари, қурилиш анжомлари бозорини шакллантириш;
- Қурилишда шартнома муносабатларининг ролини кучайтириш, қурилиш бўйича буюртмаларни жойлаштиришда тендер (танлов асосидаги) савдоларни жорий этиш;
- Бир-икки бўғинли бошқарув тизимига ўтишни таъминлашва объектларни «калит остига» топшириш шарти билан қуришни кўпайтириш;
- Қурилишнинг норматив-техник базасини янгилаш, инвестицион лойиҳаларни яратиш, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш тартибини, техник иқтисодий асослаш ва бошқа ҳужжатларни такомиллаштириш;
- Қурилишнинг муддатларини қисқартириш, сифатини ошириш ва смета қийматини пасайтириш, нарх шаклланиш тизимини яхшилаш.

Мавзунини ўрганиш учун услубий тавсиялар.

Ушбу мавзунини диққат билан ўрганиш нафақат қурилиш иқтисодиёти нуқтаи назаридан, балки мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг моҳияти ва аҳамиятини чуқурроқ англаш учун ҳам муҳимдир. Бунда тармоқ миқёси ва бутун миллий иқтисодиёт даражасида ислохотларни амалга ошириш муаммоларини бир-биридан фарқлай ола билиш лозим.

Иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва уни бозор асосига ўтказиш муаммолари бўйича ката ва фойдали ахборотни мамлакатимиз президенти Ислом Каримов асарларида мужассамдир. Бу борада айниқса «Ўзбекистон муносабатларига ўтишнинг ўз модели» китобидан кўп маълумот олиш мумкин. Қурилиш иқтисодиётига келсак, бунда республика Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йилнинг 3 сентябрида қабул қилинган «Капитал қурилишдаги иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2003 йилнинг 5 майидаги «Капитал қурилишдаги ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги, 2003 йилнинг 12 сентябридаги «Капитал қурилишдаги хўжалик муносабатлари механизмини такомиллаштириш чоралари» ва бошқа қанун ҳужжатларини ўрганиш мақсадга мувофиқ бўларди.

Шуни назардан қочирмаслик керакки, бутун иқтисодиётдаги каби, капитал қурилишда амалга оширилаётган ислохотлар ташаббус ва тадбиркорликни ривожлантириш, бу соҳадаги йирик, ўрта ва кичик корхоналар ва ташкилотларнинг уйғунлигини таъминлашга қаратилган.

Ҳозирги пайтда капитал қурилишни ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- Хусусийлаш жараёнини якунлаш ва зарарига ишлаётган, иқтисодий жиҳатдан ночор қурилиш ташкилотларини тугатиш;
- Лойиҳалаштириш ташкилотларини давлат тасарруфидан чиқариш;
- Пудрат ва лойиҳа ишларининг тўлақонли бозорини яратиш;
- Қурилиш ва лойиҳалаштириш ишларини бажариш бўйича буюртмалари жойлаштириш бўйича танло (тендер) савдоларини ўтказишда маъмурлашни тугатиш;

- Қурилишда лойиҳалар, смета ва технологик интизомни яхшилаш;
- Хизматлар жойида ягона бюджет буюртмачисини шакллантириш;
- Ватанимиз корхоналарида юқори технологияли безак-анжомларининг янги дастурини яратиш;
- Пудрат ташкилотларини кредитлаш, айниқса иншоотларни «калит остига» қуришда бозор механизмларини ишлаб чиқиш.

Қурилишни ислоҳ қилишнинг бу ва бошқа йўналишларини амалга ошириш, кадрларга боғлиқ. Шу боис, Ушбу мавзунинг ўрганиб, унинг алоҳида масалаларини кўриб чиқаётганда, нафақат иқтисодий ислохотларнинг моҳияти, мақсади ва йўналишини билиш, балки уларнинг «кучли» ва «заиф» тамонларини билиш, мавжуд камчилик ва тўсиқлардан боҳабар бўлиш, энг асосийси – ислохотларни чуқурлаштириш бўйича ўз таклифларини киритиш муҳимдир.

Назарий муҳокама ва ўзини текшириш учун саволлар

1. Капитал қурилишдаги иқтисодий ислохотларнинг моҳияти ва асосий йўналишлари.
2. Пудрат ва лойиҳа ишлари бозори, унинг бозорнинг бошқа турларидан фарқли хусусиятлари.
3. Қурилишдаги шартномавий муносабатлар, уларни бозор иқтисодиёти шароитида расмийлаштириш ва ривожлантириш. Қурилишга пудрат шартномасининг таркиби.
4. Қурилишда хусусий ва коллектив тадбиркорлик (бизнес)ни ташкил этишнинг шакл ва услублари.
5. Қурилиш иқтисодиётини ислоҳ қилишнинг давлат томонидан қўллаб қувватланиши.

Амалий машғулотлар

6-масала. Инвестицион жараёни бошқаришнинг демократик асосларининг кучайиши, «Иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш» концепциясининг амалга оширилиши қурилишни молиялаштириш тартибининг ўзгаришига олиб келди. Қуйидаги 4-жадвалда молиялаш манбаларига қараб, асосий капиталга киритилган сармоялар тўғрисидаги маълумотлар келтирилган (натижага нисбатан фоизларда). Уларни таҳлил қилиб, зарур зулосаларни чиқаринг.

				4-жадвал
Кўрсаткичлар	1999	2000	2001	2002
Асосий капиталга инвестициялар -	100	100	100	100
шу жумладан:				
Республика бюджети ҳисобидан	28,3	29,2	21,5	20,0
Корхона ва аҳоли ҳисобидан	40,2	39,1	41,4	45,3
Банк кредити ва бошқа қарзлар ҳисобидан	8,0	7,2	9,0	10,2
Чет эл инвестициялари ва кредитлар	22,8	23,2	28,0	24,3

Бюджетдан ташқарии жамғармалардан	0,7	1,3	0,1	0,2
-----------------------------------	-----	-----	-----	-----

7-масала. Ўз-ўзинимолиялаштириш ва ўзини оқлаш — бозор муносабатлари шароитида ҳўжалиқ юритишнинг асосий таъмоийллари дир. Ягона буюртмачи бўлган туман ҳоқимиятига лойиҳа лаштирилаётган корхона бош раъжасининг ккиварианти тақдим этилган. Биринчи вариантга кўра, корхона ҳудудидан 8 гектарни ташкил этади. Бундан турли бино ва ёпиқ иншоотлар қуриладиган қисми 40 минг м². Иккинчи вариантда бино ва иншоотлар қуриладиган майдон 40 минг м² лигича қолади, бироқ корхонага ҳудуди 7,4 га билан чекланади.

Аниқланг: Бош планнинг ккиварианти бўйича ҳудуддаги иншоотлар бири нчи вариантга нисбатан қанчалик зичроқ қурилиши лозим бўлади?

8-масала. Саноат концернининг инвестицион дастури 2016 цилдан металл қуйиш заводи ни кура бошлашни кўзда тутлади. Капитал қуйилмалар ҳажми 770 млрд. сўм, шу жумладан — саноат иншоотлари — 715 млрд. сўм, турар-жой қурилиши объектлари бўйича 55 млрд. сўм дир.

Қурилишнинг тўлиқ смета қиймати ва смета маблағларининг умуман қурилиш бўйича ва алоҳида объектлар бўйича 2016 йил бошига қолдиғи қуйидаги 5-жадвалда келтирилган.

5-жадвал

(млрд. сўм)

Объектлар номи	Қурилишнинг смета қиймати	Смета қийматининг 1.01.2016га қолдиғи
Ишлаб чиқариш объектлари		
Асосий корпус	810	505
Тайёрлаш цехи	620	220
Қуйиш цехи	510	190
Омборхона	65	50
Қозонхона	170	140
Ўт ўчириш депоси	40	40
Ташки сув қувири	95	25
Жами	2310	1170
Турар-жой қурилиши объектлари		
№1 турар-жой биноси	195	25
№2 турар-жой биноси	140	140
Жами	335	165
Ҳаммаси бўлиб	2645	1335

2017 йилда тайёрлаш цехи, омборхоналар, ташқи сув қузури ва №1 турар-жой биноси фойдаланишга топширилиши керак. Қолган барча объектлар 2010 йилда қуриб битирилиши керак.

Қурилишга 2017 йил учун ажратилган капитал қўйилмаларни ишга туширилиши лозим бўлган объектларни маблағ билан тўлиқ таъминлаш ва 2010 йилга ўтадиган иншоотларни тайёргарлигини ошириш учун энг қулай тарзда **тақсимланг**.

2016 йилда ишга туширилган асосий фондларнинг смета **қийматини аниқланг**.

Адабиётлар:

1. Э.Х. Махмудов. Капитал қурилиш иқтисодиёти, маърузалар матни, Т.: ТДИУ, 2010.
2. Графова Г.Ф., Гуськов С.В. Экономическая оценка инвестиций: Учебное пособие. Учебное пособие. – М.: «Дашков и К°», 2016. – 183 стр.
3. Степанова И.С. Экономика строительства. Учебник / под общей ред. - 3-е изд., доп. и перераб. Учебное пособие. - М.: Юрайт-Издат, 2016. – 620 стр.
4. Нешиной А.С. Инвестиции: Учебник. – 4-е изд., перераб. и доп. Учебное пособие. – М.: Издательско-торговая корпорация «Дашков и К°», 2006. – 376 стр.
5. Лапыгин Ю.Н., Балакирев А.А. и др. Инвестиционная политика. Учебное пособие. –М.: КНОРУС, 2005. – 320 стр.

3-МАВЗУ. ИНВЕСТИЦИОН СИЁСАТ ВА САРМОЯЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ.

Инвестицион сиёсат – давлат иқтисодий сиёсатининг таркибий ва ажралмас қисмидир. Ушбу сиёсатнинг моҳияти, мақсади ва амалга ошириш усуллари кўп жиҳатдан мамлакатнинг техник қудрати ва иқтисодий салоҳиятини белгилайди. Бозор иқтисодиёти шароитида у нафақат давлат, балки турли юридик ва жисмоний шахслар, мулкчиликнинг турли шаклларидаги субъектлар томонидан ҳам бажарилади.

Инвестицион сиёсатни амалга ошириш, одатда, инвестицион лойиҳа ва дастурлар ишлаб чиқариш орқали амалга оширилади. Бу дастурлар эса ўз навбатида асосли бўлиб, тегишли экспертизадан ўтказилиши лозим. Масалан, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йилнинг 11 ноябрдаги Қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон республикасининг 2016 йилга инвестицион дастури умумий ҳисобда 4,2 млрд. АҚШ долларида ортиқ қийматдаги 100дан ортиқ турли лойиҳаларни амалга оширишни кўкда тутди. Бунда сармояларнинг ката қисми асосий тармоқлар – ёқилғи энергетик, кимёвий мажмуа, машинасозлик ва бошқа жабҳаларга йўналтирилди.

Инвестициялар (сармоялар) – бу даромад олиш ёки ижтимоий ва экологик самарага эга бўлиш мақсадида ишлаб чиқариш, тижорат, ижтимоий, илмий, маданий ёки бошқа соҳада турли дастурларни амалга оширишга киритиладиган пул, мулкӣ ва интеллектуал маблағлар бирлигидир.

1991 йилгача «инвестициялар» тушунчаси илм фан ва амалиётда ҳали мавжуд эмас эди. Унинг ўрнига «капитал қуйилмалар» атамаси ишлатилиб, у асосий ва айланма фондларни қайта тиклашга йўналтирилган сармояларнинг пул ифодасини билдирарди. Ҳар иккаласи ҳам капитал яратувчи вазифаларни бажаради.

Йирик кўринишда инвестициялар иккита йўналиш – ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш объектига қуйилмаларга ажралади. Биринчи йўналиш корхоналарнинг салоҳиятини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш; турли жабҳалар ва умуман миллий иқтисод тараққиётига хизмат қилади. Иккинчи йўналиш эса ижтимоий, экологик, турар-жой муҳити ва инсон ҳамда жамият ҳаёти ва фаолияти учун зарур бўлган бошқа шароитларни шакллантиради.

Инвестициялар самарадорлигини ошириш – инвестицион стратегия ва сиёсатда акс этади ва кўп жиҳатдан сармояларнинг структурасига боғлиқ. Инвестициялар структураси эса 4 турда, яъни соҳавий, қайта тикловчи, технологик ва ҳудудий бўлиши мумкин. Қайта тикловчи ва технологик структура сармоялар самарадорлигига тўғридан-тўғри таъсир қилади. Сармояларнинг қайта тикловчи структураси бу янги қурилиш, реконструкция, амалда фаолият кўрсатаётган корхоналарни кенгайтириш ва техник қайта жиҳозлашга кетган ҳаракатлардир.

Инвестицияларнинг самарадорлигини баҳолаш бўйича услубий тавсиялар

Сармояларнинг, айниқса иқтисодий соҳадаги самарадорлиги барча соҳаларда – яъни умуман халқ хўжалигида, унинг жабҳаларида, алоҳида корхона ва қурилишларда, шунингдек, капитал қуйилмаларнинг барча босқичларида – режалаштириш, лойиҳалаштириш ва қурилишни амалга оширишда бажарилади.

Инвестицияларнинг самарадорлигини баҳолашда қуйидаги асосий кўрсаткичлар қўлланади:

- Миллий даромад (ёки миллий даромаднинг ўсиши);
- Ишлаб чиқариш фонлари (асосий ва айланма);
- Капитал қуйилмалар хажми;
- Келтирилган харажатлар йиғиндиси;
- Қўшимча капитал қуйилмаларнинг ўзини оқлаш муддати;
- Капитал қуйилмаларнинг самарадорлик коэффиценти (норматив ва амалдаги);
- Маҳсулот таннарни;
- Корхонанинг лойиҳа қуввати;
- Солиштира капитал қуйилмалар ва уларнинг меъёрий катталиклари.

1994 йилда БутунРоссия ахборот ва Саноат Институтининг (Информэлектрон) томонидан «Инвестицион лойиҳалар самарадорлигини баҳолаш ва уларни молиялаштириш учун саралаш борасидаги услубий тавсиялар» эълон қилинган бўлиб, булар ҳозирча кенг қўлланилмай қолиб кетди. Унинг ўрнига кўпроқ 1988 йилда Россия (Совет Иттифоқи) Фанлар Академияси Иқтисодиёт Институтининг олимлари томонидан ишлаб чиқилган «Капитал қўйилмалар самарадорлигини аниқлашнинг услубияти».

Қурилиш ва объектларга йўналтирилган капитал қўйилмаларнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\dot{Y}_e = \frac{\ddot{O} - \ddot{N}}{\hat{E}} \text{ ва } \mathfrak{D}_\phi = \frac{\Pi}{\Phi},$$

Бунда: Π – лойиҳа бўйича йиллик маҳсулот ишлаб чиқаришнинг корхона улгуржи нархларидаги қиймати; C – қурилаётган корхона (объектнинг) смета қиймати; Π – йиллик даромад суммаси; Φ – асосий фондларнинг ўртача йиллик қиймати.

Йилларда ўлчанадиган капитал қўйилмаларнинг ўзини оқлаш муддати (T) ва капитал қўйилмаларнинг самарадорлиги коэффиценти (E) қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$T = \frac{K}{\Pi - C} \text{ ёки } \frac{\hat{E}}{\dot{I}}; A = \frac{\ddot{O} - \ddot{N}}{\hat{E}} \text{ ёки } \frac{\ddot{I}}{\hat{E}} \text{ ёки } A = \frac{1}{\mathfrak{D}},$$

Объектларнинг қуриш вариантлари таққосланган Ушбу вариантнинг солиштирма самарадорлиги ($E_{\text{сол}}$) ва харажатларнинг оқланиши муддати (T) аниқлаб олинади:

$$E_{\text{сол}} = \frac{C_1 - C_2}{K_2 - K_1}; T = \frac{K_2 - K_1}{C_1 - C_2}$$

Капитал қурилишнинг самарадорлиги белгиси $E_{\text{сол}} > E_n$ дан идорат. Бундан чиқди:

$$C_1 + E_n \times K_1 > C_2 + E_n \times K_2 > \dots > C_n + E_n \times K_n$$

Корхонанинг техник даражаси ва ишлаб чиқариш қувватини оширишга йўналтирилган реконструкция пайтида сармоялар самарадорлигини аниқлаш реконструкция лойиҳасининг кўрсаткичларини ҳудди шундай кўрсаткичлари билан таққослаш орқали қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$E = \frac{B_1 C_1 - (B_0 C_0 + B_2 C_2)}{K_n - K_p}$$

Бунда: B_1 , B_0 ва B_2 — реконструкциядан сўнг, реконструкциягача ва янги корхонадаги йиллик ишлаб чиқариш хажми; C_1 , C_0 и C_2 — реконструкциядан сўнг, унгача ва янги корхонадаги маҳсулот бирлигининг таннархи; K_n ва K_p — янги корхонани қуриш ва амалдагисини реконструкция қилишга кетган капитал қўйилмалар.

Энг тежамли вариантни танлаб олиш учун ҳар бир вариант бўйича келтирилган харажатлар катталигини қуйидаги формула бўйича аниқлаймиз:

$$\Pi_{\text{к.х.}} = C + E_n \times K \rightarrow \min ,$$

Бунда: К — капитал қуйилмалар; С — жорий қуйилмалар; E'' — капитал қуйилмалар самарадорлигининг норматив коэффиценти (инвестициялар киритилаётган тармоқга қараб 0,12; 0,15; 0,25 ва хоказо).

Назарий муҳокама ва ўзини текшириш учун саволлар

1. Инвестициялар ва уларнинг иқтисодиётни янгилаш ҳамда янада юксалтиришдаги ўрни.
2. Бозор иқтисодиёти шароитида сармоялаш тактикаси ва стратегияси.
3. Инвестицион дастур ва лойиҳалар, уларнинг моҳияти ва фарқлари.
4. Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларидаги инвестицион ютуқлари.
5. Сармоялар (капитал қуйилмалар)нинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш услублари.

Амалий масалалар.

9-масала. 2016-2010 йилларда ишлаб чиқариш объектларига электрон саноатни ривожлантириш мақсадида киритилажак капитал қуйилмалар хажми 5400 млрд. сўм миқдорида белгиланган. Кўриб чекилаётган даврда даромад ўсиши 930 млрд. сўмни ташкил этиши керак. Объект қурилишида 850 нафар ишчи, 20 нафар лойиҳачи ва 15 нафар музандис-техник ҳодим иштирок этади. Капитал қуйилмалар самарадорлигини меъёрий коэффиценти E_m 0,15.

Аниқлаш талаб этилади:

- 1) Тармоқни ривожлантиришга қаратилган капитал қуйилмаларнинг иқтисодий самарадорлиги қандай?
- 2) Инвестицияларнинг ўқини оқлаш муддати қандай бўлади?

10-масала. Лойиҳалаштирувчи ташкилот корхона (кон) қурилишининг уч вариантыни ишлаб чиқиб, буюртмачига тақдим этди. Унинг кўрсаткичлари қуйидаги 6-жадвалда келтирилган.

Жадвал 6,

(млрд. сўм)

Раздел 1.02	Кўрсаткичлар	Вариантлар		
		1	2	3
Капитал қуйилмалар		21	21	23
Руда қазиб олишга кетадиган йиллик эксплуатацион харажатлар		6,1	4,1	3,7
Ишлаб чиқаришни (порт қурилмаларини) кенгайтиришга йўналтирилган капитал қуйилмалар		-	2	-
Темир йўл қурилишига капитал қуйилмалар		-	-	5

Руда қазиб олишда капитал қуйилмаларнинг меъёрий коэффиценти – 0,15, ёндош тармоқлар (порт иншоотларини кенгайтириш, темир йўл қурилиши) – 0,12.

Аниқланг: тоғ корхонасини жойлаштиришнинг энг самарали варианты қандай бўлиши мумкин?

11-масала. Корхонанинг (нефть қазиб олиш) йиллик ишлаб чиқариш қуввати 8 млн. тонна. Уни реконструкция қилишдан сўнг, нефть қазиб олиш хажми 12,5 млн.тоннагача етказилиши мумкин. Реконструкция учун зарур бўлган капитал қўйилмалар 24,2 млрд. сўм. Реконструкциядан воз кечилган ҳолда эса капитал қўйилмалар 2,7 млрд. сўмни ташкил этади. Қўшимча нефть қазиб олувчи янги корхонани қурилишга (агар эскиси реконструкция қилинмайдиган бўлса) кетадиган солиштирма капитал қўйилмалар 3 сўм/тонна. Амалдагисосий фондларнинг охиригача амортизация қилинмаган ва корхона реконструкция қилинганда йўқ қилиниши керак бўлган қисмининг қиймати 3,9 сўм. Амалда фаолият юритаётган корхонада нефть таннархи реконструкциягача 2,9 сўм, ундан сўнг эса 2,2 сўмни ташкил этади. Янги корхонада 1 тонна нефть қазиб олиш таннархи реконструкциядан воз кечиш имкони сифатида олиб қаралганда – 1,9 сўм.

Реконструкцияга қўшимча капиталқўйилмаларнинг ўзини оқлаш муддати ва умуман уни амалга оширишнинг нечоғлик мақсадга мувофиқлигини аниқланг.

12-масала. Корхонанинг бир йиллик инвестицион дастурини тузинг (капитал қурилишнинг йиллик режаси) ва бунда капитал қўйилмалар йўналиши ҳамда молиялаштириш манбаларини кўрсатиб ўтинг. Қурилиш-монтаж ишларининг объектлари, смета қиймати ва хажми қуйидагича:

- Цех реконструкцияси – 640 ва 240;
- Омбор қурилиши – 180 ва 160;
- Турар-жой уйини қуриш – 320 ва 320;
- Болалар боғчасини қуриш – 120 ва 120;
- Ишлаб чиқариш асбоб-ускуналарини келтириб, монтаж қилиш – 240 ва 30;
- Ишлаб чиқаришни механизациялаш бўйича тадбирлар – 80 ва 15 (млрд. сўмда).

Цехни реконструкция қилиш бўйича 240 ва 160

турар-жой биносини қуриш бўйича 160 млрд. сўмлик.

Етишмаган маълумотларни ўзингиз қўшинг.

Адабиётлар:

1. Вахрин П.И. Инвестиции. Практикум. - М., 2003.
2. Услуги определения эффективности капитальных вложений. -М.: «Наука», 1998.
3. Э.Х. Махмудов. Капитал қурилиш иқтисодиёти, маърузалар матни, Т.: ТДИУ, 2010.
4. Графова Г.Ф., Гуськов С.В. Экономическая оценка инвестиций: Учебное пособие. Учебное пособие. – М.: «Дашков и К°», 2016. – 183 стр.
5. Степанова И.С. Экономика строительства. Учебник / под общей ред. - 3-е изд., доп. и перераб. Учебное пособие. - М.: Юрайт-Издат, 2016. – 620 стр.

6. Нешиной А.С. Инвестиции: Учебник. – 4-е изд., перераб. и доп. Учебное пособие. – М.: Издательско-торговая корпорация «Дашков и К°», 2006. – 376 стр.
7. Лапыгин Ю.Н., Балакирев А.А. и др. Инвестиционная политика. Учебное пособие. – М.: КНОРУС, 2005. – 320 стр.

4-МАВЗУ. ҚУРИЛИШДАГИ ТЕХНИК ТАРАҚҚИЁТ ВА УНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ

Техник тараққиёт бир вақтнинг ўзида капитал қурилиш самарадорлигини оширишнинг ҳам сабаби, ҳам натижасидир. Биринчи ҳолда, яъни сабаби деганда, қурилиш, иқтисодиётнинг ҳар қандай тармоғи каби, ўзининг муваффақияти учун ишлаб чиқаришнинг замонавий воситалари ва илғор технологиялардан фойдаланиши назарда тутилади. Иккинчи ҳолда эса, яъни оқибати деганда, гап замонавий саноат корхоналари ва мажмуаларни бунёд этиш натижасида техник тараққиётнинг жадаллашуви ҳақида бормоқда.

Қурилишдаги илмий-техникавий тараққиётнинг бош йўналиши – унинг индустриаллашуви, яъни, қурилиш саноати заводда тайёрланган конструкция ва деталлардан объектлар бунёд этиш жараёнининг ягона саноат-қурилиш жараёнига айланиши бўлади, дейиш мумкин.

Шунингдек, қурилишдаги техник тараққиёт ишлаб чиқариш жараёнларини комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш ҳамда қўл меҳнатини енгиллаштиришга хизмат қилувчи машина ва асбоб-ускуналарнинг янги турларини яратиш; янги, илғор қурилиш анжомлари, бутловчи қисмлар, сантехникаларни яратиш ва ишлаб чиқариш; янги технологиялар ва меҳнат ҳамда ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш услублари ва технологияларини жорий қилиш билан боғлиқдир.

Режали-бўйруқбозлик тизимидан бозор иқтисодиётига ўтиш нафақат илмий-техник тараққиётни бошқаришни, балки қурилишдаги янги техникани яратиш ва жорий этишни молиялаштириш тизимини ҳам ўзгартирди. Давлат фундаментал илмий тадқиқотлар, меҳнатнинг янги воситалари ва предметларини яратишнинг устувор йўналишларини амалга оширишни ўз тасарруфида сақлаб қолади. Илмий-техник тараққиётнинг кўплаб бошқа, жорий ишлаб чиқариш билан боғлиқ аспектларини эса хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзлари ҳал қиладилар. Ҳар қандай ҳолда ҳам, янги техникаларни яратиш ва татбиқ этиш иқтисодий самарадорлик ҳисоб-китобларига таяниб амалга оширилиши керак. Зеро, самарасиз, унумли бўлмаган техникаларни жорий этишдан маъно йўқдир.

Статья II. Мавзунинг ўрганиш учун услубий тавсиялар

Иқтисодий самара кўзда тутилган тадбир жорий этилиши натижасида эришилган кўрсаткичларни бошланғич кўрсаткичлар билан тақослаш асосида

амалга оширилади. Одатда эталон сифатида, ватанимиз ва чет эл амалиётида қўлланиладиган энг яхши техника ва технологиялар намуналари хизмат қилади.

Янги техниканинг солиштирма иқтисодий самарадорлиги қуйидаги кўрсаткичлар асосида аниқланади:

- a) Бир вақтлик харажалар. Буларга ҳисоб-китоблар турига қараб: асосий ишлаб чиқариш фондларига капитал қўйилмалар ёки уларнинг йиғиндиқиймати (қурилишда иштирок этувчи ишлаб чиқариш фондлари) киради.
- b) Жорий харажатлар. Буларга ҳисоб-китоблар характериға қараб: қурилиш-монтаж ишларининг таннархи, маҳсулот таннархи бино ва қурилмалар бўйича эксплуатацион харажатлар киради.
- c) Объект қурилиши давомийлиги ёки қурилиш ва монтаж ишларини бажариш муддати (вақт омили) ни ҳисобга олиш учун.

Янги техникага хўжалик амалиётида илк бор қўлланилаётган илмий тадқиқотлар натижалари киради:

- Янги ва мукамалроқ технологиялар
- Меҳнат воситалари ва қуrollлари
- ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ёки корхона ривожланишига доир ижтимоий масалаларни ҳал қилишга хизмат қилувчи жараёнлар ва меҳнатни ташкил қилиш усуллари.

Янги техникани яратиш ва татбиқ қилиш мақсадга мувофиқлиги йиллик иқтисодий самара кўрсаткичини қуйидаги формула бўйича ҳисоблаш орқали аниқланади:

$$\dot{Y}_{\text{ёёё}} = (\tilde{N}_a + \dot{A}_i \times \dot{E}_a) - (\tilde{N}_i + \dot{A}_i \times \dot{E}_i) \times Q_{\text{ёёё}}$$

Бунда C_6 ва C_n — мавжуд янги техникани қўллаш пайтидаги маҳсулот бирлигининг таннархи
 K_6 ва K_n — мавжуд янги техника қўллангандай иллик маҳсулот ишлаб чиқариш бирлигига киритилган солиштирма капитал қўйилмалар

E_n — янги техникага киритилган капитал қўйилмаларнинг самарадорлигининг меъёрий (норматив) коэффиценти (0,15)

$Q_{\text{йил}}$ — янги техникалардан фойдаланилганда маҳсулот ёки ишнинг йиллик ишлаб чиқариш ҳажми

Агар янги техника ишлаб чиқаришга бир неча йил мобайнида жорий этилса, унда одатда, капитал қўйилмалар босқичма-босқич ажратилади ва ўзлаштирилади.

Вақт омилини ҳисобга олиш янги техникаларни яратиш ва татбиқ этишга бир маротабалик ва жорий заражатларни ягона вақтга келтириш (одатда ҳисоб-китоб қилинаётган йил бошига) орқали амалга оширилади ва қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$K_{np} = (1 + E_n)^t \text{ или } K_{np} = 1 + E_n \times T$$

Бунда:

$K_{кр}$ – келтириш коэффициент

E_n – 0,1-1012 га тенг, деб олинади.

t – жорий йилнинг харажат ва натижаларини ҳисоб-китоб қилинаётган йил бошидан ажратиб турган йиллар сони.

Татбиқ қилиш объектига зарур бўлган капитал қуйилмалар суммаси вақт омилини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги формула бўйича ҳисобга олинади:

$$\hat{E} = \sum_{t=1}^{\hat{t}} K_t (1 + E_n)^{T-t}$$

Бунда:

t – 1,2,..., янги техника татбиқ қилинган йил

T – янги объектни ишлаб чиқариш ва жорий этиш муддати, йил

K_t – янги техникани яратиш ва жорий этилишнинг t -йилдаги капитал қуйилмалар

Жорий (базис) ва янги техника бирлигини яратиш ҳамда татбиқ этиш бўйича келтирилган харажатларни ҳисоблашда қуйидагиларга амал қилиш зарур.

Жорий (базис) техникаси бирлигининг яратиш қийматини (C_6) тахминан қуйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқиш мумкин:

$$\tilde{N}_d = \ddot{O} (1 + D_t)$$

Бунда:

$\ddot{O}$ – базисмахсулотнингпрейскурантбўйичаулгуржинарҳи, сўм

R_n – меъёрий (норматив) рентабеллик.

Жорий

(базис)

ва янги техникаларни яратиш учун зарур бўлгани шлаб чиқариш фондлари гисолишт ирма капитал қўйилмаларни қуйидаги формула асосида аниқлаш мумкин:

$$K_{\sigma} = a C_{\sigma}; K_n = a C_n + K_n / Q$$

Бунда:

a – янги техника таннарҳининг зар бир сўмига (100,1000 сўм) киритилган солиштирма капитал қўйилмалар

C_6 ва C_n – баазис ва янги техникаларни яратилиш таннарҳи

K_n – янги техникани яратиш бўйича ишлаб чиқариш дан аввалги капитал харажатлар

Q – маҳсулот (кўрсатилган хизматлар) ҳажми

Янги техникага киритилган капитал қуйилмалар умумий (абсолют) самарадорлиги кўрсаткичи деб ($\mathcal{E}_{ят}$), даромад ўсиши ($\Delta\Pi$) ёки маҳсулот таннарҳи пасайишининг (ΔC). Ушбу натижага сабаб бўлган капитал қўйилмаларга нисбати олинади ва қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$\mathcal{E}_{нт} = (\Delta\Pi) / K$$

ёки

$$\mathcal{E}_{ит} = (\Delta C) / K$$

Бунда:

K – даромад кўпайиши (таннарх пасайиши)ни таъминловчи ва янги техникани жорий этишга йўналтирилган капитал қўйилмалар.

Янги техникани татбиқ этишдан аввал ва ундан сўнг олинган ишлаб чиқариш натижаларни таққослаш орқали аниқланади. Йил ҳисобидаги иқтисодий самара ($\mathcal{E}_t$) қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\mathcal{E}_t = \Delta C_t K_t - E_n \times K,$$

Бунда:

ΔC_t – Режалаштирилаётган (ҳисобот) йилида янги техника ишлатилиши туйайли эришилган таннарх тежами

K_t – тежамкорликни хилга келтириш коэффиценти

E_n – самарадорликнинг меъёрий коэффиценти

K – янги техника бўйича тадбирларга кетган режали капитал қўйилмалар (аввалги йилларда кетган харажатлар билан бирга)

Янги техникага киритилиши мўлжалланаётган капитал қўйилмалар ўзини оқлаш муддати қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$\dot{O} = \hat{E} / \hat{I}_t$$

Бунда:

K – янги техникага киритилиши мўлжалланаётган капитал қўйилмалар

P_t – ишлаб чиқаришнинг режалаштирилаётган t -йилида янги техниканинг йиллик ҳажмини татбиқ этишдан олинажак даромад

(а) Назарий муҳокама ва ўзини текшириб кўриш учун саволлар

1. Илмий-техника тараққиёти (ИТТ)нинг моҳияти ва унинг жамият ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириш ва ривожлантиришдаги ўрни.
2. Қурилишдаги илмий-техника тараққиётининг ўзига хос хусусиятлари ва асосий йўналишлари.
3. Бозор иқтисодиёти ва ИТТ.
4. Бозор иқтисодиёти шароитида ИТТни режалаштириш.
5. ИТТнинг қурилишдаги самарадорлигини баҳолаш ва унинг кўрсаткичларини аниқлаш.

Амалий топшириқлар

13-масала. Қурилиш анжомлари саноати соҳасида фаолият юритувчи шиша заводида махсус пирамида шаклидаги контейнерларни (ПКС-225) татбиқ қилиш кўзда тутилган. Бир дона шартли яшик (C_6) янги техник қарорнинг жорий этилишига қодир 701 сўм, солиштирма капитал харажатлар эса (K_6) – 130 сўм бўлган. тадбир амал бажарилгандан сўнг бу кўрсаткичлар

куйидаги кўриниш касб этади: $C_n - 558$ сўм ва $K_n - 140$ сўм, маҳсулот ҳажми (Q) – 1100 минг шартли шиша яшиқлардан иборат.

Аниқланиш лозим:

Корхонада янги техник қарорнинг амалга оширилишидан йиллик иқтисодий самара қандай бўлади?

14-масала. Тоғ-кон корхонаси ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг янги услублари натижасида фаолият жамланиши даражасини юксалтиришга эришишда иккита фойдаланш горизонти (уфқи) қисқартирилди. Бу чора қўшимча капитал қуйилмаларини талаб этмади.

Корхонада амалга оширладиган тоғ-кон ишлари ҳажми – 190 минг тонна, ишлаб чиқаришнинг янги услублари жорий этилгунга қадар 1 тонна руда қазиб олишнинг таннархи – 124 сўм, жорий этилгандан сўнг – 104 сўмни ташкил этган. Бир горизонтни қазиб чиқишнинг ўртача майдони 7 м², келтириш таннархи тоғ конининг 1 м³ га 296 сўм.

Аниқлаш керак:

Тоғ ишларининг бир тоннасига кетадиган айланма фондларнинг қисқариши;

Ишлар таннарҳининг йиллик пасайиши;

Янгиликни қўллашдан олинган йиллик иқтисодий самара.

15-масала. Қурилиш анжомлари комбинати мрамор, гранит ва бошқа турдаги норуда материалларни етказиб бериш билан шуғулланади. Унда юк кўтариш қуввати 5 тонна бўлган автосамосвалларни 25 тонналик автосамосвалларга алмаштириш режалаштирилган. Бу эса ташувларнинг таннарҳи меҳнат сиғими ва фонд сиғимини пасайтиришни таъминлайди. Алмаштирилган самосваллар донасига 2 млн сўмдан.

Дастлабки маълумотлар қуйидагилар:

	2016 йил (базис)	2017 йил (шисобот)
1. Ташувларнинг йиллик ҳажми, т/км	81000	81000
2. Автосамосваллар сони:		
5 тонналик	140	-
25 тонналик	-	-
3. Алмаштирилаётган машиналар сони:		133
5 тонналик	7,9	-
25 тонналик	-	13,7
4. Ташув таннарҳи, сўм/т-км	85	52
5. Хизмат кўрсатувчи ходимлар сони	795	507

Аниқлаш талаб этилади:

1. Йиллик иқтисодий самара;
2. Капитал қўйилмаларнинг ўзини оқлаш муддати;
3. Ишчиларнинг шартли озод бўлиши.

16-масала. Қурилиш ташкилоти ишлаб чиқариш қуввати каттароқ бўлган бакен кранини жорий этиптики, эксплуатацион харажатларни 320 млн сўмга пасайтириш имконини беради. Капитал қўйилмалар 70 млн сўмни, халқ хўжалигининг ишлаб чиқариш харажатлари (кран ишлаб чиқариш корхона учун) – 315 млн сўмни ташкил этади.

Аниқлаш талаб этилади:

1. Қурилиш ташкилоти учун йиллик қурилиш самараси;
2. Халқ хўжалигининг йиллик иқтисодий самараси.

Адабиётлар:

1. Э.Х. Махмудов. Капитал қурилиш иқтисодиёти, маърузалар матни, Т.: ТДИУ, 2010.
2. Графова Г.Ф., Гуськов С.В. Экономическая оценка инвестиций: Учебное пособие. Учебное пособие. – М.: «Дашков и К°», 2016. – 183 стр.
3. Степанова И.С. Экономика строительства. Учебник / под общей ред. - 3-е изд., доп. и перераб. Учебное пособие. - М.: Юрайт-Издат, 2016. – 620 стр.
4. Нешиной А.С. Инвестиции: Учебник. – 4-е изд., перераб. и доп. Учебное пособие. – М.: Издательско-торговая корпорация «Дашков и К°», 2006. – 376 стр.
5. Лапыгин Ю.Н., Балакирев А.А. и др. Инвестиционная политика. Учебное пособие. – М.: КНОРУС, 2005. – 320 стр.
6. П.И. Вахрин. Инвестиции. Практикум. — М., 2003.

5-МАВЗУ. ҚУРИЛИШНИНГ РЕСУРС НЕГИЗИ ВА УНДАН ФЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИ

Қурилиш ресурслари - бу аввало пудратчи қурилиш-монтаж ташкилотлари, қурилиш анжомлари, конструкциялар ва буюмларни ишлаб чиқарувчи ёки фаолият тури бўйича қурилиш билан боғлиқ корхоналар эга бўлган асосий ишлаб чиқариш фондлари, айланма маблағлар ва меҳнат ресурсларидир. Улардан оқилона фойдаланиш – иқтисодиётнинг микро ва макро миқёсидага муҳим вазифа. Амалиёт шуни кўрсатадики, ресурсларни самарали қўллаш – ишлаб чиқариш ҳажмини қўшимча харажатларсиз сақлаб қолиш имконини беради.

Амалиётда «ишлаб чиқариш фондлари» деганда асосий ишлаб чиқариш фондлари ва айланма маблағларнинг бирлигини назарда тутилади.

Айланма маблағлар – айланма ишлаб чиқариш фондлари ва мурожаат фондларига бўлинади. Ўз навбатида айланма ишлаб чиқариш захиралари, яқунланмаган маҳсулот харажатлар ва келгуси даврларга чиқимларга турланади.

Мурожаат фондлари эса тайёр маҳсулот ва қурилиш ташкилоти ёки корхоналарнинг пул-маблағларини ўз ичига олади.

Ресурсларнинг ҳар бир тури ўз таркиби, тузилиши ва ҳисоб тизимига эга. Асосий фондлар – бўй ишлаб чиқариш воситаларининг шундай туридирки, улар ишлаб чиқариш жараёнида узоқ вақт иштирок этсада, ўз қийматини эса тайёрланаётган маҳсулотга қисм-ба қисм беради.

Асосий жамғармаларнинг эскиришининг ўрнини босиш амортизация орқали амалга оширилади ва бу асосий фондларнинг амалдаги хизмат муддати давомида барча элементларига ҳисоб-китоб қилинади.

Бундай ҳисоблаш асосий фондларнинг ҳар бир тури учун алоҳида белгиланган амортизация меъёрлари бўйича бажарилади.

Амортизация меъёрлари (нормалари) – йиллик амортизацион тўловлар асосий фондларнинг баланс қийматига нисбати (% ҳисобида).

Айланма фондлар – бу ишлаб чиқаришнинг шундай воситаларики, улар ҳар бир ишлаб чиқариш жараёнида ўз табиий-жисмий шаклини йўқотмайди, ўз қийматини эса тайёрладиган маҳсулотга беради. Бунга меҳнат предметлари (хом-ашёлар, асосий материаллар ва ҳ.к.) ҳамда баъзи меҳнат воситалари (хизмат муддати бир йилдан ошмайдиган ва пастроқ баҳодаги тез эскирадиган ва қиймати амалдаги қонунчилик ва бухгалтерлик ҳисоб тизими билан белгиланган предметлар) киради.

Бундан ташқари, қурилишнинг айланма фондлари таркибига ўлчамлари катта ва қурилиш иқтисодиётига салмоқли таъсири бўлган тугалланмаган ишлаб чиқариш (асосий капиталга йўналтирилаётган инвестицияларнинг йиллик ҳажмидан 80%ни ташкил этувчи) ҳам киради.

Хўжалик юритишнинг бозор асосига ўтиш ресурсларни шакллантириш ва қўллаш тартибини ўзгартирди. Бозор иқтисодиёти шароитида ресурслар давлат томонидан тақсимланмайди ва аввалгидек давлат чўнтагидан бепул эмас, балки хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ишлаб топилади ёки банк кредити ҳисобидан олинади. Шу боис ресурслардан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиш - қурилишнинг назария ва амалиётида муҳим ўрин эгаллайди.

Мавзунини ўрганиш учун услубий тавсиялар

Қурилишда асосий ишлаб чиқариш фондларини қўллаш самарадорлиги умумий ва хусусий кўрсаткичлар билан тавсифланади. Баъзида уларни тегишли равишда, қийматли ва натурал (табиий) кўрсаткичлар деб атайдилар.

Умумий кўрсаткичлар – фондга қайтиш, фонд сиғими, рентабеллик даражаси, қурилиш корхонаси ёки умуман тармоқнинг ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш коэффиценти киради.

Хусусий кўрсаткичлар – асосий ишлаб чиқариш фондларининг аслоҳида элементлари – машина ва ускуналар, транспорт воситалари ва бошқалардан фойдалана билиш даражасини акс эттиради.

Санаб ўтилган кўрсаткичларни ҳисоблаш услубияти қуйида келтирилади.

Фондга қайтиш - қурилиш маҳсулот (ишлари)нинг асосий фондларнинг ҳар бир сўмига ишлаб чиқарилиш даражасини кўрсатади ва қуйидаги формула билан топилади:

$$\hat{O} = \frac{Q}{\bar{I}_{\text{до}}},$$

Бунда:

Q – маълум даврда (йилда) бажарилган қурилиш-монтаж ишлари ҳажми.

$\Pi_{\text{оф}}$ – асосий ишлаб чиқариш фондларининг ўртача йиллик қиймати, минг сўм.

Корхонага ёки умуман тармоқ ишлаб чиқариш фондларининг қўлланилишини баҳолаш ва таҳлил қилиш пайтда фондга қайтиш қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$\Phi = \frac{Q}{\Pi_{\text{оф}} + O_c},$$

Бунда:

O_c – меъёрий айланма маблағлар, минг сўм.

Фонд сиғими – фондга қайтишга қарама-қарши кўрсаткич бўлиб яратилган қурилиш маҳсулотлари (хизматлари) бирлиги учун зарур бўлган асосий капитал (асосий фондлар)га эҳтиёжни англатади.

Қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\Phi_c = \frac{\Pi_{\text{оф}}}{Q}$$

Амалдаги асосий ишлаб чиқариш фондларининг ўртача йиллик қиймати ($\Pi_{\text{сф}}$) қуйидагича ҳисобланади:

$$\Pi_{\text{сф}} = \Pi_{\text{фн}} + \Pi_{\text{фп}} - \Pi_{\text{фв}}$$

ёки

$$\Pi_{\text{сф}} = \Pi_{\text{фн}} + \frac{\Pi_{\text{фн}} * r_1}{12} - \frac{\Pi_{\text{фв}} * r_2}{12},$$

Бунда:

$\Pi_{\text{фн}}$ – асосий ишлаб чиқариш фондларининг йил бошидаги қиймати.

$\Pi_{\text{фп}}$ – Қурилиш корхонаси тасарруфига йил давомида киритилаётган асосий фондаларининг қиймати;

$\Pi_{\text{фв}}$ – Йил давомида ишдан чиқаётган асосий ишлаб чиқариш фондларининг қиймати;

r_1 и r_2 —асосий ишлаб чиқариш фондларининг киритилиш (чиқарилиш) вақтидан буён ўтган ойлар сони.

Қурилиш корхонасининг ишлаб чиқариш қуввати – бу амалда мавжуд ресурс таъминоти ва иш мароми шароитида муайян даврда (одатда, йил давомида) бажарилган қурилиш-монтаж ишларининг максимал даражада эришиш мумкин бўлган ҳажми.

Ишлаб чиқариш қувватининг катталигига қурилиш-монтаж ташкилотининг ихтисоси катта таъсир кўрсатади. Масалан, механизация

трести ва бошқармаларнинг қуввати кўп жиҳатдан машина ва механизмларнинг сони, уларнинг турлари, унумдорлиги ва иш сменасига боғлиқ. Айрим трест ва бошқармалар эса – ишчилар сони, уларнинг малакаси, маълум вақт оралиғида қанча иш беришига боғлиқ бўлади.

Қурилиш корхонасининг ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш коэффиценти – бажарилган иш (маҳсулот) ҳажмининг унинг максимал мумкин бўлган катталигига нисбати билан аниқланади:

$$\hat{E}_i = Q_0 / Q_i$$

Бунда:

Qф – Смета қиймати бўйича бажарилган ишларнинг амалдаги ҳажми;

Qм – ушбу ташкилот бажариши мумкин бўлган ишларнинг максимал даражадаги ҳажми.

Мисол. Қурилиш трестининг пастпорт қуввати – йилига 50 млрд. сўмлик қурилиш-монтаж ишларидан иборат. Амалда бажарилган ишлар ҳажми 40 млрд. сўмни ташкил этди. Бундан чиқди: Кмқ0,80 (40/50).

Ҳар қандай, шу жумладан қурилиш корхонасининг ҳам, ишлаб чиқариш қуввати асосий ишлаб чиқариш фондлари қанчалик яхшироқ қўлланса, шунчалик баландроқ бўлади. Бу айниқса ушбу фондларнинг фаол қисми бўлган машиналар, асбоб-ускунлар, механизмлар, транспорт воситалари ва ҳоказолар, шу жумладан моддий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланишни тақозо этади. асосий ишлаб чиқариш фондлари уларнинг етакчи гуруҳлари (машиналар нарҳи ва асбоб-ускуналар) бўйича фойдаланишининг хусусий кўрсаткичлари куйидаги формулалар бўйича аниқланади:

а) Интенсив бандлик коэффиценти:

$$K_{им} = B / H_{нр}$$

Бунда:

В – маълум вақт бирлигида ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми;

Нпр – Асбоб-ускуналарнинг ишлаб чиқариш қувватини ҳисоблашда қабул қилинган вақт бирлигидаги ишлаб чиқариш нормаси.

б) Экстенсив бандлик коэффиценти:

$$\hat{E}_{\dot{y}.i.} = \frac{\dot{O}_{ie} (\dot{e}\dot{e}\dot{e}\dot{O}_{\delta})}{\dot{O}_{\dot{\delta}\dot{a}r}}$$

Тпл ва Тф – кўриб чиқиладиган даврда асбоб-ускунларнинг режадаги (Т_{пл}) ва амалдаги (Т_ф) иш соатлари;

Троег – ишлаб чиқариш қувватини ҳисоблашда қабул қилинган асбобларнинг ишлаш вақти.

в) умумий интеграл бандлик коэффиценти:

$$\hat{E}_{oi} = \hat{E}_{a.i.} * \hat{E}_{y.i.}$$

Машина ва асбоб-ускуналарнинг алоҳида турлари билан бир қаторда қурилиш ташкилотининг бутун машина корхонанинг бандлик (иш) сменалари сонини аниқлаш учун алмашинув коэффициентини ҳисоблаш керак бўлади. У бир неча усуллар билан аниқланиши мумкин:

$$\hat{E}_{\text{äë}} = \frac{(N_1 + N_2 + N_3)}{N_{\text{oi}}},$$

Бунда:

N_1 , N_2 ва N_3 - биринчи, иккинчи ва учинчи сменаларда ишлаган (ишлаётганлар) маълум турдаги машина (асбоб-ускуналар) сони;

N_{obx} — ушбу турдаги асбоб-ускуналарнинг умумий сони.

Қсм кўрсаткичини бошқа усуллар билан ҳам аниқлаш мумкин:

$$\hat{E}_{\text{äë}} = \frac{(N_1 + N_2 + N_3)}{N_{\text{ai}}},$$

Бунда:

$N_{\text{уст}}$ — ушбу турдаги машиналарнинг аниқ белгиланган сони.

Амалда бирр суткада ишланган машина — белгиланган асбоб-ускуналарнинг сменали вақт фондига нисбати сифатида ҳисоблаб чиқилган алмашинув коэффициенти ишончлироқ ва тўғрироқ ҳисобланади:

$$\hat{E}_{\text{äë}} = \frac{\hat{O}_{\text{ëø}}}{(N_{\text{ai}} + \hat{O}_{\text{ni}})},$$

Бунда:

$T_{\text{отр}}$ — Ушбу турдаги асбоб-ускуналар томонидан ишлаб бўлинган машина-соатларнинг умумий сони;

$T_{\text{см}}$ — иш сменасининг давомийлиги.

Асосий ишлаб чиқариш фондларининг самарадорлигини таҳлил — илиш ва баҳолаш пайтида эскириш, амортизация, асосий фондларни янгилаш каби бир қатор тушунча ва кўрсаткичлардан фойдаланилади.

Асосий фондларнинг жисмоний эскириши фоиз ҳисобида қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\hat{E}_{\text{ө}} = \frac{\hat{A}_{\text{ө}}}{\hat{O}_{\text{i}}} * 100$$

Бунда:

$A_{\text{ф}}$ — Асосий фондларнинг амалдаги хизмат муддати, йилларда;

$T_{\text{н}}$ — белгиланган нормадаги хизмат муддати (амортизацион давр), йиллар.

Асосий фондларнинг эскириш даражасини яна қуйидаги формула бўйича аниқлаш мумкин:

$$I_{\text{ф}} = \frac{\Phi_{\text{н}} - \Phi_{\text{ост}}}{\Phi_{\text{н}}},$$

Бунда:

Фн и Фост – асосий фондларнинг аввал бошидан ва қолдиқ қиймати.

Асбоб-ускуналарнинг меъёрий (норматив) хизмат муддати қуйидагича аниқланади:

$$T_{он} = \frac{100}{H_p},$$

Бунда:

Нр – реновацияга ажратиладиган амортизацияон тўловларнинг йиллик нормаси, фоизларда.

Асосий фондларни жисмоний эскиришини умумий меъёри бўйича %ларда қуйидагича аниқланади:

$$H_a = \frac{A_{зод}}{\Phi_{б.с.}} * 100,$$

Бунда:

Агод – Асосий фондларнинг амалдаги хизмат муддати, йиллар;

Фб.с. – хизмат муддати (амортизацияон давр), йиллар.

Асосий фондларни амортизация қилишнинг умумий меъёри қуйидаги формула билан аниқланади:

$$H_a = \frac{\Phi_{б.с.} - \Phi_{л}}{\Phi_{б.с.} * T_n} * 100,$$

где:

Фб.с. — асосий фондларнинг баланс қиймати;

Фл – асосий фондларнинг ликвидацион (йўқотиш учун кетадиган харажатлар) қиймати;

Тн – амортизацияон давр.

Амортизация асосий фондларнинг барча элементларига уларнинг амалдаги хизмат муддати мобайнида тўланади. Амортизация меъёрлари асосида амортизацияон тўловларнинг йиллик миқдори қуйидагича аниқланади:

$$\dot{A}_{\epsilon\epsilon\epsilon} = \frac{\hat{O}_{\acute{a}.\grave{n}.} + C_{\epsilon\delta} + G_i - \hat{O}_{\grave{e}}}{\dot{O}_i},$$

Бунда:

Зкр – асосий фондларнинг бутун хизмат муддатидаги капитал таъмирлашларнинг қийматлари;

Зм - асосий фондларнинг бутун хизмат муддати мобайнида уларни модернизацичлаш (янгилаш)га кетган харажатлар;

Фл – ликвидацион қиймат (металлолом қиймат);

Тн — асосий фондларнинг меъёрий (норматив) хизмат муддати (амортизацияон давр).

Соддалаштирилган ҳолда, амортизацияон тўловларнинг йиллик миқдори:

$$\dot{A}_{\epsilon\epsilon\epsilon} = \frac{\hat{O}_{\acute{a}.\grave{n}.} - \hat{O}_{\grave{e}}}{\dot{O}_i},$$

каби аниқланади.

Капитал қурилиш самарадорлигини оширишда нафақат асосий фондлар, балки айланма маблағларни ҳам унумли қўллаш катта ўрин тутуди. Ушбу маблағлар ўлчамлари амалиётда абсолют рақамлар (сўм) билан ифодаланади. Молиялаштириш манбаъларига кўра айланма маблағлар шахсий, қарзга олинган ва жалб этилган бўлади. Ишлаб чиқариш ёки айланиш соҳасида эканлигига қараб. Улар меъёрланувчи ва меъёрланмайдиган турларга бўлинади.

Қурилиш ташкилотлари ва умуман қурилиш тармоғининг айланма маблағларидан самарали фойдаланиш қуйидагича кўрсаткичлар билан белгиланиши мумкин:

1. Қурилиш-монтаж ишлари ҳажмининг ҳар бир сўмига ўтадиган (100 ёки 100 сўм) айланма маблағларнинг қиймати (ўлчами, яъни фонд сифими);
2. айланиш коэффиценти;
3. маблағларнинг бир маротаба айланиш муддати (кунларда).

Фонд сифими - қурилиш маҳсулотининг (айланма маблағлари бўйича) фонд сифими айланма маблағларнинг ўртача катталигининг (ОС) буюртмачига топширилган ишлар (маҳсулот) ҳажмига (**Q**) нисбати сифатида олинади:

$$\Phi_{co} = \frac{OC}{Q}$$

Айланишкоэффиценти – айланма маблағларнинг муайян давричида (одатда, бирйилда) айланиш сонини акс эттиради. У буюртмачига топширилган хизмат (маҳсулот)лар ҳажмининг кўриб чиқилаётган даврдаги айланма маблағларнинг ўртача қолдиғи ганисбати шаклида ҳисобланади:

$$\hat{E}_{ia} = \frac{Q}{\hat{IN}}$$

Айланма маблағларнинг бир марта айланишининг давомийлиги (Дср) ҳисобда вримуддатининг (Тр) айланма маблағларнинг айланиш коэффенти га (Коб) нисбати сифатида ҳисобланади:

$$\ddot{A}_{od} = \frac{\dot{O}_d}{\hat{E}_{ae}},$$

Бунда:

Тр – йил мобайнидаги 360 кун, яримйил – 180 кун, чоракйил – 90 кун ҳисобиданолинади.

Мисол. Корхона бирйилда 10 млн сўмлик маҳсулот етказиб беради. (Меъёрий) айланма маблағларнинг ўртача йиллик миқдори – 2 млн сўм. Айланма маблағларни қўллаш самарадорлиги кўрсаткичлари қуйидагича:

$$\Phi_{co} = \frac{OC}{Q} = \frac{10}{2} = 5 \text{ сўм}; \quad \hat{E}_{ae} = \frac{Q}{\hat{IN}} = \frac{2}{10} = 0,5; \quad \ddot{A}_{od} = \frac{\dot{O}_d}{\hat{E}_{ae}} = \frac{360}{5}$$

Назарий муҳокама ва ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Ресурслар, уларнинг кўринишлари ва қурилиш ҳамдасаноат бўғинларининг унумли ишлашида ғияҳамияти.

2. Қурилишдаги асосий фондларнинг иқтисодий табиати. Уларнинг таркиби, тузилиши ва ишлатиш кўрсаткичлари.

3. Қурилиш ташкилотларининг айланма маблағлари ва фондлари, уларнинг таркиби, тузилиши ва фойдаланиш кўрсаткичлари.

4. Айланма маблағларни ишлатиш кўрсаткичлари ва уларни ҳисоблаш услублари.

5. Бозор иқтисодиёти шароитида ресурслардан самарали фойдаланишнинг асосий йўналишлари.

АМАЛИЙ МАСАЛАЛАР

Масала-17. Темирбетон буюмлари заводи 2003 йилда 400,5 млн м³ маҳсулот ишлаб чиқарди. 2016 йилда эса уларни тайёрлаш 3,5%га ортди. Шунга яраша асосий фондларнинг ўртача йиллик қиймати 5000,2 минг сўмдан 5600,5 минг сўмгача ортди.

Аниқлаш талаб этилади:

1. Базис (2003) ва ҳисобот (2016) йилда фонд қайтими қанақа бўлган?

2. Бу йилларда фонд қайтимининг ўзгариши, шу жамладан, ишлаб чиқариш ҳажми ўсиши ва асосий фондлар қийматининг ортиши натижасида фонд қайтими кўрсаткичининг ўзгариши қандай бўлади?

Масала-18. ҳисобот йилида қурилиш-монтаж трестида қуйидаги кўрсаткичлар юзага келган: қурилиш-монтаж ишларининг ҳажми 18580 минг сўм, асосий ишлаб чиқариш фондларининг ўртача йиллик қиймати – 4820минг сўм, хоимлар сони – 185 киши. Режалаштирилаётган йилда қурилиш дастурининг ҳисобот йилига нисбатан 9,5%га, асосий ишлаб чиқариш фондларининг қийматини эса 8%га ортиши кўзда тутилган.

Аниқлаш талаб этилади:

Қурилиш трести бўйича режалаштирилаётган йилда ҳисобот йилига нисбатан ортга қайтиш даражаси қандай ўзгаради?

Масала-19. Режалаштирилаётган йил бошида қурилиш трести 4780 минг сўмлик асосий фондларга эга эди. Йил давомида яна 800 минг сўмлик асосий ишлаб чиқариш фондлари келтирилди, 220 минг сўмлик асосий фондларэса ишдан чиқарилади. Режалаштирилаётган йилда 18750 минг сўмлик қурилиш монтаж ишларининг бажарилиши кўзда тутилган.

Аниқлаш талаб этилади:

Режалаштирилаётган йилда трест бўйича фондга қайтиш қандай бўлади?

Масала-20. Уй қурилиш комбинати (УҚК) 3 сменада иш юритади. Май ойида биринчи сменада 5800 киши-кун, иккинчи сменада 4000 киши-кун ва учинчисида эса 3200 киши-кун ишланган. УҚК даги иш жойлари 250 та.

Аниқлаш талаб этилади:

Алмашиниш, узлқисизлик ва иш жойларидан фойдаланиш коэффицентларини топинг.

Масала-21. Қурилиш трести турар-жой биноларини бунёд этиш билан шуғулланишади. Уйларни монтаж қилиш ва уларни фойдаланишга топшириш билан боғлиқ кўрсаткичлар қуйидаги 7-жадвалда келтирилган:

Жадвал-7

Кўрсаткичлар	2000 й.	2016 й.
Минора кранларининг рўйхат бўйича ўртача сони	38	29
Топширилган турар-жой майдони, минг м ²	172,9	194,1
Кранларнинг ишлатилиш календар кунлари сони	13870	10516
Йил давомида кранларнинг иш ҳажми (маш/соат)	130000	91684
Йил давомида кранларнинг иш ҳажми (маш/соат)	16250	13443

Аниқлаш талаб этилади:

1. Календар вақт жамғармасидан фойдаланишдаги ўзгаришлар (% ларда);
2. баир кранга тўғри келадиган ўртача иш соаларининг ўзгариши;
3. Бир минора кранига тўғри келувчи смена ва йиллик меҳнат унумдорлиги (турар-жой майдони метрларида) қандай бўлади?

Масала-22. Чўмич сифими 0,65 м² бўлган бир чўмичли эксковаторнинг дастлабки қийматини тиклаш учун йўналтирилган йиллик амортизацион тўловлар меъёрини аниқланг.

Таянч маълумотлар:

Исходнўе даннўе:

- 1) Эксковаторнинг ўлгуржи нарҳи- 9 млрд. сўм;
- 2) Эксковаторни келтириш бўйича транспорт ва бошқа харажатлар – улгуржи нарҳда 7%;
- 3) Эксковаторнинг норматив хизмат муддати - 10 йил;
- 4) Бир маротаба тўлиқ таъминлаш қиймати - 59 млн. сўм;
- 5) Эксковаторнинг бир йилдаги иш соати - 2728 соат;
- 6) Таъмирлаш циклининг давомийлиги - 10800 соат (яъни таъмирдан сўнгги хизмат муддати);
- 7) Қолдиқ қиймат – эксковаторнинг дастлабки қийматидан 10 %;
- 8) Йил давомида бир маротаба модернизация қилиш кўзда тутилган бўлиб, унинг қиймати капитал таъмир қийматидан 60%ни ташкил этади.

Масала-23. Юк кўтариш қуввати 25 тонна бўлган пневмагилдиракли краннинг дастлабки ва ликвидацион қийматини аниқланг. Маълумотлар қуйидагича берилган:

- 1) Дастлабки қийматни аниқлаш учун зарур бўлган амортизацион тўловларнинг йиллик меъёри - 7,5%;

2) Бу мақсадларга кетадиган йиллик амортизацион тўловлар миқдори - 2182,8 минг сўм;

3) Краннинг ликвидацион қиймати – дастлабки қийматдан 10%.

Масала-24. Режалаштирилаётган йилда қурилиш трестининг асосий ишлаб чиқариш фондларининг қолдиқ ва дастлабки қийматини аниқланг.

Таянч маълумотлар:

1) Режалаштирилаётган йил бошига трестнинг асосий ишлаб чиқариш фондлари 4560 минг сўмни ташкил этиб, улардан омборда захира сифатида 150 минг сўм, консервацияда 320 минг сўм бор эди;

2) Режалаштирилаётган йил давомида 600 минг сўмлик нги асосий фондларнинг киритилиши ва 80 минг сўмлигининг ишдан чиқиши кўзда тутилган;

3) Режалаштирилаётган йил бошига асосий жондларнинг эскириши 15%ни ташкил қилди;

4) асосий фондларни янгилаш учун мўлжалланган амортизацион тўловларнинг йиллик меъёри - 8%.

Масала-25. Цемент заводининг тоғ цехида 6 та эксковатор ишлатилади. Режага кўра, ушбу машиналар июнь ойида 270, амалда эса 260 машина-смена ишлади. Агар эксковаторлар бир сменадан ишласа, машина-сменаларнинг максимал сони 22,5 (бир эксковаторга)ни ташкил этади.

Аниқлаш талаб этилади:

Эксковаторларнинг режа ва ҳисобот бўйича алмашинув коэффициенти қандай бўлади?

Масала-26. Қуйида (8-жадвал) гишт заводининг қиёсий кўрсаткичлари келтирилган.

Жадвал 8

Жихозлар	Жорий йил		Ҳисобот йили	
	Дастлабки қиймати	эскириши%	Дастлабки қиймати	эскириши, %
/иштни пресслаш учун пресслар	24000	28	33000	21
Тахловчи автоматлар	58000	32	88000	23
Автокловлар	36000	36	36000	44

Аниқлаш талаб этилади:

Силикат буюмлар ишлаб чиқаришда асбоб-ускуна лар паркининг турли даврдаги эскириш коэффициенти қандай?

Масала-27. Қурилиш бошқармаси томонидан бир йилда бажарилган қурилиш монтаж ишлари ҳажми 2400 минг сўм, айланма маблағлар ўртача қолдиғи – 400 минг сўм.

Аниқлаш талаб этилади:

1. Бир маротаба айланиш муддати, кунларда қанча бўлади?
2. Айланма маблағларнинг айланиш коэффиценти.

Масала-28. Қурилиш трести томонидан бир йил давомида 29 млрд. сўмлик қурилиш маҳсулоти буюртмачига етказилди. Айланма маблағларнинг ўртача йиллик катталиги – 4 млн.сўм.

Аниқлаш талаб этилади:

- 1) қурилиш маҳсулотининг фонд сифими;
- 2) маблағларнинг бир маротаба айланиш муддати;
- 3) бир йил давомида маблағ айланишлар сони.

Масала-29. Сопол буюмлар заводи сўнгги икки йил давомида қуйидаги ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эришди (жадвал-9):

Жадвал-9

Кўрсаткичлар	Жорий йил	Ҳисобот йили	
		Режа	Ҳисобот
Сотилмаган маҳсулот ҳажми, минг сўм	6000	6300	6360
Ўртача қолдиқлар:			
Барча айланма маблағлар (пул маблағларидан ташқари)	1240	-	1200
Меъёрланган айланма маблағлар	800	780	768

Аниқлаш талаб этилади:

1. Маблағ айланиш даврида айланиш коэффиценти, кунларда;
2. Ҳисобот йилида ўтган йил ва режа маълумотларига нисбатан маблағлар айланиши неча кунга тезлашган ёки секинлашган?
3. Айланишдан озод бўлган маблағлар миқдори.
4. Олинган маълумотларни баҳолашга ҳаракат қилиб кўринг.

Масала-30. Ҳисобот йилида бажарилган қурилиш-монтаж ишларининг смета қиймати - 4800 минг сўм. Барча айланма маблағларнинг йиллик ўртача қолдиғи – 1200 минг сўм. Айланма маблағларнинг умумий миқдори алоҳида элементлар бўйича қуйидагича тақсимланган (минг сўм):

ишлаб чиқариш заҳиралари - 648;

туғалланмаган қурилиш - 72;

пул маблағлари ва ҳисоб-китобдаги маблағлар - 480.

Аниқлаш талаб этилади:

Барча айланма маблағлар айланишининг ўртача давомийлиги ва давра айланмасининг турли босқичларида бўлиш вақти.

Масала-31. Агар қурилиш-монтаж ишларининг йиллик ҳажми 3600 минг сўм, маблағларнинг бир маротаба айланиши эса 80 кун эканлиги маълум бўлса, айланма маблағларнинг айланишлари сони ва уларнинг катталигини аниқланг.

Адабиётлар:

1. Э.Х. Махмудов. Капитал қурилиш иқтисодиёти, маърузалар матни, Т.: ТДИУ, 2010.
2. Графова Г.Ф., Гуськов С.В. Экономическая оценка инвестиций: Учебное пособие. Учебное пособие. – М.: «Дашков и К°», 2016. – 183 стр.
3. Степанова И.С. Экономика строительства. Учебник / под общей ред. - 3-е изд., доп. и перераб. Учебное пособие. - М.: Юрайт-Издат, 2016. – 620 стр.
4. Нешиной А.С. Инвестиции: Учебник. – 4-е изд., перераб. и доп. Учебное пособие. – М.: Издательско-торговая корпорация «Дашков и К°», 2006. – 376 стр.
5. Лапыгин Ю.Н., Балакирев А.А. и др. Инвестиционная политика. Учебное пособие. –М.: КНОРУС, 2005. – 320 стр.

6-МАВЗУ. ҲОДИМЛАР (КАДРЛАР), МЕҲНАТ, УНГА ҲАҚ ТЎЛАШ ВА ҚУРИЛИШДАГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ УНУМДОРЛИГИ

Ҳодимлар иқтисодиётининг ҳар қандай миқёсда ва барча тармоқлари, соҳалари ва турларида, меҳнат қуролилари ва предметлари билан бир қаторда, ишлаб чиқариш жараёнининг бошқарувчиси ҳамда жамият учун зарур бўлган моддий ва номоддий бойликлар яратувчисидир.

Қурилиш кадрлари – бу талаб этилаётган ишни бажариш учун зарур бўлган меҳнат кўникмалари, касб билимларига эга бўлган ҳодимлар таркибидир. Тармоқнинг бирламчи ишлаб чиқариш бўғини миқёсида кадрлар – бу қурилиш корхонаси ҳодимларининг рўйхат таркиби бўлиб, унга раҳбарлик лавозимларини эгалловчи **ҳодимлар**, турли ҳужжатларни тайёрлаш ва расмийлаштириш, ҳисобот, назорат ва ҳўжалик юритиш билан шуғулланувчи **хўзметчилар** ҳамда маҳсулот (иш, хизмат)ни бевосита яратувчи **ишчилар** киради.

Ишлаб чиқаришнинг барча жабҳаларидабанд бўлган барча тоифадаги ишчи ҳодимларнинг унумдор ва сифатли меҳнати – тармоқ ва унинг бирламчи бўғинлари муваффақиятининг омилidir. Ҳодимлар салоҳияти ва ундан самарали фойдалана билиш кўп жиҳатдан корхонанинг иқтисодий ва молиявий барқарорлиги, қолаверса, рақобатдошлигини белгилайди.

Бозор ва бозор иқтисодиёти шароитида унумли меҳнат ва кадрлар салоҳиятидан яхшироқ фойдаланиш моддий, баъзи ҳолларда эса маънавий мақсадлардан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади. Хусусан, моддий манфаат ҳодимни меҳнат самарадорлиги ва сифатини оширишга ундайди.

Амалиёт шуни кўрсатадики, юксак малакали ва касбий жиҳатдан саводхон ишчи доимо керак ва у боис у ишсиз қолмайди.

Қурилишда, бошқа соҳаларда бўлгани каби, ходимларни моддий мукофотлаш ҳар бир ишчига у томондан сарф қилинган меҳнат ва ёки вақтни ҳисобга олган ҳолда белгиланган иш ҳақи орқали амалга оширилади. Пул шаклидаги иш ҳақиға барча турдаги тўловлар киради:

1) Алоҳида меъёрлар бўйича бажарилган ишга ёки ишланган вақтга тўланадиган маош, лавозимлар учу ниш ҳақлар ва х.к.;

2) Рағбатлантирувчи тўловлар – эришилган натижалар учун ёки йил чораклари, ярим йиллик ёки бир йиллик иш учун мукофотлар, касб маҳорати учун қўшимча маблағлар ва х.к.;

3) Иш мароми, меҳнатнинг мураккаб шароитлари учун товон сифатида тўланадиган маблағлар (оғир ва зарарли шароитлар, тунда ишлаш, сафарга чиқи шва бошқалар учун қўшимча тўловлар).

Шакли бўйича иш ҳақи ишбай ва вақтбай, таркиби бўйича — асосий, яъни амалда ишланган вақт ёки чиқарилган маҳсулот учун белгиланган ва қўшимча бўлади. Қийматибўйича эса ҳисобланган ва тўланган (қўлга олинган маош) бўлиши мумкин. Иш ҳақининг шакли ёки ўлчамлари тариф тизими ва бошқа қонунчилик актлари билан мувофиқлаштирилади.

Меҳнат унумдорлигини ошириш – иш ҳақиға кетадиган ҳаражатларни пасайтириш, қурилиш машиналари ва механизмларини ишлатиш, ҳом-ашё ва материаллар билан боғлиқ чиқимларни камайтиришга хизмат қилади. Шу билан бирга меҳнат унумдорлигини ошириш – қурилиш давомийлигини қисқартириш, қурилиш-монтаж ишлари қийматини пасайтириш ва даромаднинг ўсишини белгилайди.

Мавзуни ўрганиш бўйича услубий тавсиялар

Ушбу мавзуни ўрганишда кадрлар сиёсати ва қурилиш иқтисодиётининг бошқа масалалари эндиликда қурилиш Вазирликлари ва идораларида эмас, балки бевосита корхона ва ташкилотларда ҳал этилаётганини назардан қочирмаслик лозим. Бошқача айтганда, бозор шароитида иқтисодий фаолиятнинг бутун оғирлик маркази жамият учун зарур маҳсулот чиқарувчи ва барча ташкилий масалаларни ҳал қилувчи корхоналар зиммасига кўчади. Корхоналарнинг ўзида ишни ташкил қилиш, меҳнат масалалар қаторида ишни ташкил қилиш, меҳнат фаоллигини баҳолаш, меҳнатни меъёрлаш ва унга ҳақ тўлаш, ҳаражатларни камайтириш ва бошқаларни санаб ўтиш мумкин. Бу ва бошқа кўрсаткичларни ҳисоблаш услубларини билиш ва беҳато қарорлар қабул қилшга ўрганиш – бўлажак мутахассисга амалий иш учун зарур кўникмаларга эга бўлишга ёрдам беради.

Қуйидаги кўриб чиқиляётган мавзуга мос равишда энг муҳим кўрсаткичлар ва уларни ҳисоблаш услублари келтирилган.

Меҳнат унумдорлиги (П) – қурилиш ташкилоти томонидан ўз кучи билан бажарилган қурилиш-монтаж ишлари ҳажмининг (Q) бу ишлар ва қўшимча

ишлаб чиқаришда банд бўлган ишчилар сонига(r) нисбати сифатида аниқланади:

$$П = \frac{Q}{r}$$

Илабчиқаришунумдорлиги даражаси динамикасини абсолют ванисбий кўрсаткичларда (коэффициентлар, индекслар) табиий, қийматли ва меҳнатли ўлчов бирликларидан фойдаланиб фодалаш мумкин.

Масалан,

меҳнатунумдорлиги индексини ушбу режа сийёки ҳисобот даврининг вақт сарфини (одам-соатда) базис (аввалги ёки бошланғич) давргасоответствуюҳенисбати билан аниқласа бўлади. Бунда маҳсулотни (ишлар) ишлаб чиқариш структураси ўзгаришини ҳам (агар ўзгарган бўлса) ҳисоботга олиш лозим.

Меҳнатунумдорлиги га ишларнинг меҳнат сийғими (кўпмеҳнат талаб қилиши) ҳам таъсир кўрсатиши мумкин. Буни қуйидаги формула бўйича аниқлаш мумкин:

$$t = \frac{T_p}{Q},$$

Бунда: T_p – ишларни бажаришга (маҳсулот чиқаришга) кетган умумий меҳнат ҳаражатлари, одам-соатда.

Меҳнатунумдорлигини (Q_n) ошириш ҳисобига ишлар ҳажмининг ўсишини (% да) қуйидаги формула орқали билиш мумкин:

$$Q_n = \frac{Q_2 - P_1 \cdot r_2}{Q_2 - Q_1} \times 100,$$

Бунда: Q_1 – базис даврдаги қурилиш-монтаж ишлари ҳажми; Q_2 – режа талаштирилаётган вақтдаги ҳуддишундай кўрсаткич; P_1 – базис даврдаги меҳнатунумдорлиги; r_2 – режа талаштирилаётган даврдаги ишчилар сони.

Сменаларичида иш вақтий ўқотишларни қисқартириш ҳисобига меҳнатунумдорлигини ошириш имкониятини (% да) қуйидаги ча аниқлаш мумкин:

$$П_n = \frac{100 - P_2}{100 - P_1} \times 100 - 100,$$

Бунда: P_2 – базис йилидаги иш вақти йўқотишлари; P_1 – режа талаштирилаётган йилдан иш вақтининг йўқотишлари.

Муайян ишчи гуруҳ томонидан ишлаш нормаларини ошириб бажариш ҳисобига меҳнат унумдорлигини оширишни (% да) қуйидагича аниқлаш мумкин:

$$П_{нв} = \left(\frac{K_n}{K_\phi} - 1 \right) \cdot Y,$$

Бунда: K_n – муайян ишчи гуруҳи томонидан режа талаштирилаётган йилда иш меъёрларининг бажарилиш фоизи; K_ϕ – базис йилда иш меъёрларнинг амалда бажарилиш фоизи; Y – ушбу гуруҳ ишчиларининг қурилиш ташиклоти (корхонаси) ҳодимларнинг умумий сонига солиштирма оғирлиги.

Меҳнат харажатларини тежаш ва меҳнат унумдорлигининг ортиши ўртасидаги боғлиқлик (%) куйидаги формула бўйича аниқланади:

$$П = \frac{\mathcal{E}_T \cdot 100}{100 - \mathcal{E}},$$

Бунда: $П$ – меҳнат унумдорлигининг ортиши (%); $\mathcal{E}_T$ – меҳнат харажатларини тежаш (%).

Меҳнат харажатларини тежаш ($\mathcal{E}_T$) куйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$\mathcal{E}_T = \frac{П \cdot 100}{100 + П},$$

Меҳнат унумдорлигининг ўсишини моддий жиҳатдан рағбатлантириш самарадорлигининг коэффиценти ($K_{\mathcal{E}}$) режалаштирилаётган даврдаги ўртача маошнинг базис давридаги шундай кўрсаткичга ҳамда 1 ишчининг ҳар икала даврдаги меҳнат маҳсулига нисбати сифатида фоиз ҳисобида олинади, яъни:

$$K_{\mathcal{E}} = \frac{K_{T3}}{K_{T1}}$$

Кадрлар барқарорлиги коэффиценти ёки унинг тескарисы – кадрлар кўнимсизлиги кўрсаткичи куйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$\hat{E}_{\mathcal{E}\mathcal{A}} = 1 - \frac{r_{\mathcal{A}}}{r_{\mathcal{O}\mathcal{A}}},$$

Бунда:

$r_{\mathcal{Y}}$ – ҳисоботдавридакорхонадантурлисабабларбиланбўшаганходимларсони; r_{cp} – ҳуддишудаврдаишчиларнингўйхатбўйичаўртачасони.

Иш вақтидан фойдаланиш коэффиценти (K_{IB}) – куйидагича ҳисобланади:

$$K_{IB} = \frac{t_1 + t_2 + t_3 + t_4}{T},$$

Бунда: t^1 – биркунликиштўхтаб қолишлари; t^2 – таътилар; t^3 – биронсабабсизлиш қолдиришлар; t^4 – сменаичидагиш қолдиришлар; T – ишланганвақтсони.

Меҳнат интизоми коэффиценти (K_{TL}) куйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\hat{E}_{ie} = 1 - \frac{r_i}{r_{op}},$$

Бунда: r^n – ҳисоботдавридаиш қолдирганишчиларсони; r^{cp} – ҳуддишудаврдагишчиларнингўртачарўйхатсони.

Ушбукўрсаткичбошқаусулбилан куйидагиформулабўйичааниқланишимумкин:

$$\hat{E}_{ie} = (1 - \frac{\mathcal{O}_{ia}}{\mathcal{O}_{ni} \cdot r_{op}})(1 - \frac{T_{oa}}{\mathcal{O}_{\mathcal{A}} \cdot r_{oa}}),$$

Бунда: T_{ne} – меҳнатиинтизомибузилишиоқибатидасменаларичида қолдирилганишвақтинингумумиймиқдори; $T_{\mathcal{O}}$ –

худдишу сабаб билан юзага келган; $T_{см}$ — смена давомийлиги; Φ^p — кўриб чиқилаётган даврда 1 ишчигарежалииш вақти фонди.

Меҳнат хавфсизлиги коэффициентлари ($K_{\delta T}$) амалиётдаги ҳар 1000 кишига тўғри келувчи бахтсиз ҳодисалар сонидан (K_{Γ}) келиб чиқиб, белгиланадиган қуйидагича аниқланадиган мумкин:

$$K_{\Gamma} = \frac{A \cdot 100}{\Gamma_{cp}},$$

бунда: A — кўриб чиқилаётган даврда содир бўлган бахтсиз ҳодисалар сони.

Қуйидагича жадвалда илмий тадқиқотлар натижалари келтирилган бўлиб, унинг асосида бахтсиз ҳодисаларнинг қайтарилиши ва хавфсизлик коэффициентларини аниқлаш тавсия этилади.

K_{Γ}	K_{δ}	K_{Γ}	K_{δ}
0	1.0	11	0.4
2	0.9	12	0.3
4	0.8	13	0.2
6	0.7	14	0.1
8	0.6	15 ва кўпроқ	0
10	0.5		

Иш ҳақини ташкиллаштириш масалалари — қурилишдаги иқтисодий фаолиятнинг муҳим йўналишларидан биридир. Маошнинг **ишбай ва вақтбай** шакллари ажратамиз. Ушбу шаклларнинг турларига меҳнатга ҳақ тўлашнинг турли тизимлари куради. Улар орасида ишбай-мукофот, ишбай-истикболи, қисман ишбай, вақтбай-мукофот, аккорд ва бошқаларни санаб ўтиш мумкин.

Ишбай ишчиларнинг иш ҳақини белгилашда қуйидаги формулаларнинг биридан фойдаланиб, иш юритиш мумкин:

$$P = \frac{C_{\Gamma} * T_{\kappa} * H_{\text{вп}}}{60}; P = \frac{C_{\Gamma HP} * H_{\text{вп}}}{60}; P = \frac{C_{\delta}}{H_{\text{в}}},$$

Бунда: C_{Γ} ва $C_{\Gamma HP}$ — I разрядли ишбайчи ва ишнинг нормаланган разряди соат тариф ставкалари; C_{δ} — нормаланган иш разрядининг кундузги ставкаси; $H_{\text{вп}}$ — ишни бажаришига белгиланган фақт нормаси; $H_{\text{в}}$ — норма вўработки (производительность труда).

Ишчилар меҳнатига билвосита ҳақ тўлашда (P_{κ}) қуйидаги формула қўлланилади:

$$P_{\kappa} = \frac{C_{\text{дир}}}{H_{\text{воу}}},$$

Бунда: $H_{\text{воу}}$ — ишчи хизмат қилаётган участкадаги иш нормаси.

Ишбай ҳақ ва ишлаш нормаси ўртасидаги мавжуд бўлган боғлиқлик ушбу формула орқали ифодаланади:

$$a_1 = \frac{100a}{100 + a},$$

Бунда: a_1 ва a — тўлов пасайиши ва ишлаш нормаси ўсиши фоизи.

Агар меъёрларни қайта кўриб чиқиш билан бир қаторда янги тариф шартлари киритилаётган бўлса, тўлов ўзгариш бундай ифодаланади:

$$a_1 = \frac{100(a \pm n)}{100 + a},$$

Бунда: n – тариф ставкасининг пасайиши (минус) ёки ўсиши (плюс) фоизи. Ишчининг индивидуал ишбай ҳақ тўлаш шароитидаги ҳисобот даврига иш ҳақи қуйидагича аниқланиши мумкин:

$$З_{\phi} = P \cdot B_{\phi},$$

Бунда: B_{ϕ} – ишчилар томонидан ҳисоб даврида амалда тайёрланган маҳсулотнинг қабул қилинган ўлчов бирликларидаги кўрсаткичи.

Ягона тўлов меъёрига эга бўлган ишни амалда бажариш учун бригада тўланадиган иш ҳақи қуйидаги формула билан аниқланади:

$$З_{\phi,бр.} = P_{бр.} \cdot B_{\phi,бр.},$$

Бунда: $B_{\phi,бр.}$ – ҳисоб даврида бригада томонидан амалда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми; $P_{бр.}$ – маҳсулот (иш) бирлиги учун бригада бўйича белгиланган ҳақ.

Меҳнатга ишбай-мукофот тарзда ҳақ тўлашда ишчи (бригада)нинг иш ҳақи қуйидагича аниқланади:

$$З_{сд,пр} = З_{\phi} + Д_{прем.},$$

Бунда: $Д_{прем.}$ – тўғридан-тўғри ишбай маошига ($З_{сд,т.}$) мукофот қўшимчасининг ўлчами.

$$Д_{прем.} = З_{сд,т.} \cdot K_{прем.} \cdot K_{перев.},$$

Бунда: $K_{прем.}$ – ишлаб чиқариш нормасини ошириб бажариш ($K_{перв.}$)нинг ҳар бир фоизига белгиланган мукофот қўшимчаси коэффициентини.

Меҳнатга ишбай-прогрессив (истикболли) ҳақ тўлаш шаклида ишчи (бригада) маоши қуйидаги формулалар бўйича аниқланади:

$$З_{сд,прог.} = P_{сд} \cdot B_{\phi} + Д_{прогр} (B_{\phi} - B_{\phi})$$

ёки

$$З_{сд,прог.} = P_{сд} \cdot B_{\phi} + P_{сдн} (B_{\phi} - B_{\phi})$$

Бунда: $Д_{прогр}$ – B_{ϕ} бирламчи базасидан (яъни, бир ойлик маҳсулот ишлаб чиқаришнинг белгиланган миқдори, масалан 100%); $P_{сдн}$ – B_{ϕ} дан ошириб бажарилган иш (маҳсулот) учун кўтарилган ишбай тўлов.

Вақтбай иш ҳақи тўлаш шароитида ишчининг ишланган вақти учун маоши қуйидагича аниқланади:

$$З_{\phi} = C_r \cdot T_r \quad \text{ёки} \quad З_{\phi} = C_{дир} \cdot T_{\phi}$$

Бунда: T_r и T_{ϕ} – ҳисоб даврида амалда ишланган вақт (табель ҳисоботи бўйича), соат ёки кун.

Вақтбай-мукофот шаклида эга ишчининг маоши қуйидагича ҳисобланади:

$$З_{н,прем.} = C_r T_r \left(1 + \frac{K}{100}\right),$$

Бунда: K – ишчининг вақтбай тарифига қўшимча мукофот тўлови фоизи.

Меҳнат унумдорлигининг ортиши натижасида маош жамғармасини тежаш ($\text{Э}_{\text{зп}}$) қуйидагича аниқланади:

$$\Xi_{\text{м}} = 100 - \frac{100 + 3}{100 + \Pi} \times 100,$$

Бунда: 3 – маош ортиши, % да; Π – меҳнат унумдорлигининг ортиши, % да.

Назарий муҳокама ва ўзини текшириш учун саволлар

1. Кадрлар (ҳодимлар) ва уларнинг сармоя ва қурилиш дастурларини амалга оширишдаги ўрни.
2. Қурилиш тармоғи кадрларига қўйиладиган замонавий талаблар ва бозор иқтисодиёти шароитида уларни тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлаш.
3. Кадрларнинг қурилишда меҳнат унумдорлиги ортиши билан боғлиқлиги.
4. Қурилишда меҳнат унумдорлигини оширишнинг йўллари ва кўрсаткичлари.
5. Қурилишда ишга ҳақ тўлаш шакллари ва турлари. Иқтисодиётда банд бўлган ҳодимлар меҳнатига ҳақ тўлашнинг давлат томонидан тартибга солиниши.

Амалий масалалар.

32-масала. Агар ҳисобот йили маълумотларига кўра, ўз кучи билан бажарилган қурилиш-монтаж ишларининг ҳажми 410 млрд. сўм, ишчилар сони 106 киши бўлса, навбатдаги (режадаги) йилда қурилиш трести бўйича ишлаётган ҳодимлар сонини ҳисобланг.

Навбатдаги (режадаги) йилда қурилиш-монтаж ишлари ҳажмини 440 млрд. сўмгача ошириш ва 1-ишгача иш меъёрини 5,1 % га орттириш кўзда тутилган.

33-масала. Турар-жой қурилишини амалга оширувчи бир қурилиш бошқармаси бўйича базис ва ҳисобот йилида қуйидаги кўрсаткичлар юзага келган:

10-жадвал

Кўрсаткичлар	Базис йили	Ҳисоб-китоб қилинаётган йил
Ташкилотнинг ўз кучи билан бажарилаётган пудрат ишлари ҳажми, минг сўмда.	370000	397000
Қурилиш-монтаж ишлари ва қўшимча хизматда банд бўлган ҳодимлар сони, нафар	1000	1250
шу жумладан ишчилар	852	880

Аниқланг:

- 1) ҳисоб-китоб қилинаётган даврда базис даврига нисбатан бир ҳодим ёки бир ишчига кўзда тутилган иш меъёри (вўработка) ўсиши қандай бўлади;
- 2) меҳнат унумдорлигининг ўсиши ва ишчи-ҳодимлар сонининг ортиши ҳисобига қурилиш-монтаж ишлари ҳажми ортишининг солиштирма оғирлиги қандай бўлади;

3) ходимларнинг умумий сонида ишчиларнинг солиштирма оғирлиги ўзгаришининг ҳисоб-китоб даврида меҳнат унумдорлигининг ортишига таъсири қандай бўлади.

34-масала. Йирик қурилиш комбинатининг ҳисобот маълумотларига кўра, смена ичидаги иш вақти йўқотишлари иш вақти фондининг 15% ни ташкил қилган. Келаси йилда бу талофатни учдан бирга қусқартириш кўзда тутиляпти. Ишчилар меҳнати сарфи келаси йилда 9300 минг одам-кунни ташкил этиши керак, ҳар бир ишчи томонидан эса 225 кун ишланиши белгиланган.

Аниқланг:

- 1) меҳнат унумдорлигининг ортиши;
- 2) бўш қолаётган ишчилар сони.

35-масала. Ҳисобот йилида қурилиш бошқармасида ишбай ишчилар томонидан белгиланган иш меъёрларини бажариш 115% ни ташкил этади. Бундан ишчиларнинг 5% меъёрларни ўртача 90% га, 50% ишчилар эса – 105% га бажарганлар. Келаси (режалаштирилаётган) йилда иш меъёрларини ҳамма ишчилар бажаради, деб тахмин қилинган, улардан 50% эса нормаларни 115% га бажаришга эришишлари кўзда тутилган.

Меҳнат сарфларини тежаш даражасини аниқланг.

36-масала. Қурилиш бошқармасининг бўёқчиларбригдасида февраль ойида 30 киши ишлаганди. Ой давомида смена ичидаги меҳнат интизомини бузиш билан боғлиқ иш вақти йўқотишлари умумий ҳисобда 300 дақиқа ёки 5 кунни, кунлик талофатлар эса 4 кунни ташкил этди, иш сменаси давомийлиги 8 соат ёки 480 мин.

Аниқланг: Қурилиш бошқармасининг бўёқчилар бригадасида меҳнат интизоми коэффиценти қанча бўлади?

37-масала. Қуйидаги маълумотларга таяниб, қурилиш бошқармаси ишчиларнинг маош фонди тежалиши фоизини ҳисоблаб чиқаринг:

- 1) режалаштирилаётган даврда меҳнат унумдорлигининг ўсиши ўтган йилга нисбатан 8% бўлади;
- 2) ишчиларнинг режалаштирилаётган йилда ўртача ойлигининг ошиши ҳисобот йилига нисбатан 3%.

38-масала. Ҳисобот йилида қурилиш материаллари комбинати бўйича ишчи кучи ҳаракати қуйидаги маълумотларда акс этган:

11-жадвал

Қабул қидинган ишчилар сони	140
Ишдан бўшаганлар сони	124
шу жумладан	

Армияга чақирилиш, ўқишга кириш муносабати билан бўшатирилганлар	70
Ўз хоҳишига биноан ишдан кетганлар сони	20
Меҳнат интизомини бузганлик учун бўшатирилганлар	10

Йил давомида комбинат бўйича ишчиларнинг ўртача рўйхати бўйича сони 2400 киши.

Аниқланг:

- 1) ишга қабул қилиш ва кетиш бўйича ишчи кучи айланиши кўрсаткичи қандай;
- 2) ишчи кучи қўнимсизлиги қандай.

Адабиётлар:

1. Э.Х. Махмудов. Капитал қурилиш иқтисодиёти, маърузалар матни, Т.: ТДИУ, 2010.
2. Графова Г.Ф., Гуськов С.В. Экономическая оценка инвестиций: Учебное пособие. Учебное пособие. – М.: «Дашков и К°», 2016. – 183 стр.
3. Степанова И.С. Экономика строительства. Учебник / под общей ред. - 3-е изд., доп. и перераб. Учебное пособие. - М.: Юрайт-Издат, 2016. – 620 стр.
4. Нешиной А.С. Инвестиции: Учебник. – 4-е изд., перераб. и доп. Учебное пособие. – М.: Издательско-торговая корпорация «Дашков и К°», 2006. – 376 стр.
5. Лапыгин Ю.Н., Балакирев А.А. и др. Инвестиционная политика. Учебное пособие. – М.: КНОРУС, 2005. – 320 стр.

7-Мавзу. ҚУРИЛИШНИ РЕЖАЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ

Режалаштириш – бу мақсадларни шакллантириш, устивор йўналишларни ва уларга эришиш йўллари ҳамда усуллари аниқлаш жараёнидир. Уни аввалдан башорат қилишнинг яқунловчи босқичи сифатида қабул қилиб, бу босқичда ривожланишнинг у ёки бу варианты ёки муқобил йўлини танлаш борасидаги муҳим қарорлар қабул қилинади. Режалаштириш натижаси – иқтисодий муҳит ва қўйилган мақсадларни таҳлиил қилиш асосида яратилган аниқ режа бўлади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш – режалаштиришнинг бошқарувига доир муҳим восита сифатидаги нуфузининг ўзгаришига олиб келди. Режалаштиришнинг директив топшириқлар, назорат Рақамлари, квота ва лимитлар каби муҳим таркибий қисмлари хўжалик юритишда қўлланилмай қўйилади. Эндиликда, бозор иқтисодиёти шароитида, корхона ва ташкилотлар иқтисодий фаолиятининг эркинлиги, ишлаб чиқаришга доир кўплаб вазифаларни устивор мақсадга айланди.

Бироқ бу режалаштириш ўзининг Амалий аҳамиятини буткул йўқотди, дегани эмас. Бозор иқтисодиёти шароитида режа хўжалик юритувчи

субъектлар фаолиятида ягона қонун бўлмай қолди. Аввалги, режалаштириш тизимининг асосий нуксони шунда эдики, «юқорида» тасдиқланган режа фаолият эркинлигини чеклаб, ташаббус ва тадбиркорликнинг йўлига тўғаноқбўларди. Режадан ҳар қандай оғиш режали иқтисодиёт тамойиллари бузиш ҳисобланарди. Шу боис кўплаб корхоналарда «режа – қонун, уни ошириб бажариш – жамоа шаънидир» деган шиор ёзиб қўйиларди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш режалаш ва башорат қилишни йўқ қилмайди, балки бу жараёнларнинг табиатини ўзгартирди. Кўплаб корхоналар, холдинглар, корпорация ва уюшмалар 5-10 йил олдинга режаларни белгилаб олишлари бу жараённинг нақадар муҳимлигини тасдиқлайди. Бошқача айтганда, режалаштириш ва башорат қилиш бозор иқтисодиёти шароитида ҳам иқтисодиётни бошқариш тизимининг муҳим воситаси бўлиб қоляпти ва айниқса бирламчи ишлаб чиқариш бўғинлари бўлган корхона ва ташкилотлар учун муҳим аҳамият касб этади.

Масалан, агар авваллари саноат, транспорт, қурилиш ва бошқа корхона ва ташкилотлар молиявий режа тузган бўлсалар, ҳозир бизнес-режа ишлаб чиқяптилар. Бизнес-режа эса корхонанинг истиқболи ривожланиш стратегиясини белгиловчи ҳужжатдир. Аввалги ва ҳозирги режалаштириш тизими ўртасидаги фарқ шундаки, режалаштириш тизимига доир ҳужжатлар «юқорида» тасдиқланмайди, балки бозор билан белгиланади ҳамда эҳтиёж ва таклиф билан асосланади. Шу боис режалаштириш доимо истеъмолчи талабини қондиришга қаратилиши лозим. Ушбу шартни ҳисобга олиш хўжалик юритиш борасидаги режа ва башоратларнинг самарали рақобат муҳитидабарқарор иш юритишини таъминлайди.

Мавзунини ўрганиш бўйича услубий тавсиялар

Ушбу мавзунини ўрганишга киришар эканмиз, қурилишнинг ўзига хос хусусиятлари, аввало Ушбу тармоқ маҳсулотининг нафақат катта меҳнат ва маблағ талаб қилишини, балки «ерга боғланганлигини» ва яратилиш муддати катта эканлигини назардан қочирмаслигимиз лозим. Айниқса, бунёдкорлик ишларининг давомийлиги қурилиш ташкилотининг фаолияти, аввало молиявий аҳволига катта таъсир кўрсатади.

Шу билан бирга қурилиш ташкилотларининг буюртмачилар маблағига сурункали «қарам»лигини ҳам инобатга олиш зарур. Бу ҳол қурилишни режалаштириш, аниқроғи-асосий фондлар ва ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш режасини ишлаб чиқаришга (қурилиш-монтаж ишларининг ишлаб чиқариш дастури) катта таъсир кўрсатади. Қурилишнинг ўз вақтида маблағ билан таъминламаслик ишлаб чиқариш дастурлари билан бир қаторда қурилишнинг титул рўйхатларини ҳам пайсалга солади.

Ушбу мавзунини ўрганишда капитал қурилиш соҳасида қабул қилинган ҳукумат қарорлари ва қонунчилик ҳужжатларини билмоқ муҳим. Шунини ҳам билиш лозимки, бозор иқтисодиёти шароитида буюртмачи ва қурувчилар ўртасидаги муносабатларни мувофиқлаштирувчи ҳужжат-қурилиш пудрати

шартномаси бўлади, бу эса ўз навбатида қурилишни ташкиллаштириш ва режалаштиришга катта таъсир ўтказди. Қурилиш соҳасидаги режалаштиришга объектларни буюртмачига «калит остига» топшириш ҳам таъсир кўрсатмай қолмайди. Зеро, бу ҳолда, режалаштириш қурилиш ташкилотларининг ресурс ва ишлаб чиқариш қувватларини жамлаш ва самарали қўллаш, қурилиш сифатини ошириш ва муддатини қисқартириш, ресурс тежамкорлигини таъминлашга қаратилиши лозим бўлади.

Мазкур мавзунинг ўрганишда бозор шароитида хўжалик юретишнинг тамойил ва вазифалари, соҳага киритилаётган капитал қўйилмалар самарадорлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Шунингдек, асосий капиталга киритилаётган сармояларни режалаштиришда оғирлик маркази янги қурилишдан амалда мавжуд корхоналарни таъмирлаш, кенгайтириш ва янгилаш, минтақалар иқтисодиётини тенглаштиришга кўчишини назарда тутиш лозим.

Шу билан бирга макроиқтисодиёт миқёсидаги ва қурилиш саноати корхона ҳамда ташкилотлари миқёсидаги капитал қурилишни режалаштириш ўртасида катта фарқ борлигига ҳам эътибор қаратиш жоиз. Пудратчи қурилиш-монтаж ташкилотлари миқёсидаги режалаштиришнинг вазифаларини белгилаб олиш, йиллик ва тезкор ишлаб чиқариш борасидаги режалаштиришнинг ўзига хос хусусиятларини ажратиш муҳим.

Жумладан, тезкор ишлаб чиқариш режаларининг асосий вазифаси – қурилиш графиклари бажарилишини назорат қилиш, объектларни моддий ресурслар билан таъминлаш, механизация ва автотранспорт воситаларини етказиб беришдан иборат. Шунингдек, тезкор режаларнинг таркиби ва моҳиятини яхши билиш, қурилиш ташкилоти диспечер хизматининг вазифаларини англаш, қурилишни бошқаришнинг асосий воситалари билан танишиб олиш керак.

Режалаштиришнинг ишончлигини, шу жумладан капитал қурилиш режаларининг асосланганлиги, демакки, пудратчи ташкилотларнинг иқтисодий барқарорлиги кўп жиҳатдан соҳа мутахассисларига боғлиқлигини ҳам назарда тутиш жоиз. Иқтисодий ва бошқа ҳисоб-китобларни амалга оширишда техник воситаларни қўллаш қурилишни режалаштириш ва ташкиллаштиришда муҳим ўрин тутишини ҳам унутманг.

Назарий муҳокама ва ўзини текшириш учун саволлар

1. Капитал қурилишдаги режалаштиришнинг мақсад, вазифа ва тамойиллари.
2. Башорат – капитал қурилишни режалаштиришнинг якуний босқичи.
3. Бозор иқтисодиёти шароитида қурилишнинг режалаштиришнинг «юқоридан» режалаштиришдан фарқи.
4. Режаларнинг мукамаллиги - қурилиш ва капитал қўйилмалар самарадорлигини оширишнинг муҳим талаби.
5. Қурилиш ташкилотлари миқёсидаги режалаштиришнинг турлари ва унинг мақсадли вазифалари.

Амалий масалалар.

39-масала. Марказлашган давлат капитал қўйилмаларининг ҳажми – 13150 минг сўм. Марказлашмаган капитал қўйилмалар ҳажми – 7170 минг сўм, узоқ муддатли кредит – 1200 минг сўм. Қурилиш ташкилоти айби билан қурилиш-монтаж ишлари қийматининг 5% миқдордаги ишлаб чиқаришобъектлари ишга туширилмаган. Қурилиш монтаж ишларининг марказлашган капитал қўйилмалардаги солиштирма оғирлиги – 62%, марказлашмаган ва кредит маблағларида эса 45%. Давлат бюджетига жарима миқдори - қурилиш-монтаж ишлари қийматининг 3% дан иборат.

Аниқланг:

- 1) Барча молиялаштириш манбаълари ҳисобидан капитал қўйилмалар ҳажми қанча бўлади;
- 2) Қурилиш муддатини кечиктирганлик учун давлат бюджетига ундириладиган маблағлар муқдори қандай бўлади.

40-масала. Минтақанинг капитал қурилиш режасига қуввати йилига 2400 минг тонна, диаметри 5метр ва узунлиги 185 метрлик печли 4 та технологик линияга эга бўлган цемент заводини қуриш кўзда тутилган. Қурилиш муддати меъёрига кўра, завод 43 ойда битказилиши керак эди. Бунда йилига 600 минг тонна цемент ишлаб чиқарувчи 1 мажмуа 30 ойдан сўнг, 600 минг тонна қувватлииккинчи мажмуа 17 ойда бошланиб, 34 ойда тугатилган, худди шундай қувватли учинчи мажмуа эса 22 ойда бошланиб, 39 ойда қуриб битирилган.

Белгиланган меъёрларга мувофиқ, капитал қўйилмалар қўйидагича тақсимланади: Биринчи йилда 20%, иккинчи йилда 40%, учинчисида 35%, тўртинчисида эса корхона смета қийматининг 5%. Қурилиш корхонасининг тўлиқ смета қиймати – 49,2 млрд. сўм, шу жумладан қурилиш-монтаж ишлари – 27,0 млрд. сўм, машина ва ускуналар – 22 млрд. сўм.

Аниқланг: қувватларни киритиш ва капитал қўйилмалар ҳажми (шу жумладан қурилиш-монтаж ишлари) йиллар бўйича қандай бўлади.

41-масала. Агар 15% қўшимчали портланд ишлаб чиқаришнинг йиллик дастури 1800 минг тонна, 1 тонна клинкерга 1,62 тонна шлам, 1 тонна шламга ҳом ашё (мел) сарфи 1,214 тонна эканлиги маълум бўлса, цемент заводининг майдалаш, печда қўйдириш, ҳом ашё ва тоғ цехларининг йиллик ишлаб чиқариш дастурини аниқланг.

42-масала. 12-жадвалда келтирилган маълумотларга қараб, икки объект, яъни боғча ва турар-жой биносини бунёд этишга раҳбарлик қилаётган иш юритувчи (прораб)нинг участкасида қурилиш ишлари ҳажми режаси ва ойлик маошга эҳтиёжни аниқланг.

12-жадвал

Иш турлари	Ўлчов	Иш ҳажми	Иш	Иш
------------	-------	----------	----	----

	бирлиги	Боғча	Уй	бирлигига маош нормаси	бирлиги қиймати
1. Леворларга ғишт териш	м ³	100	500	256	180
2. Темир-бетон плиталар ётқизиш	м ³	—	280	93	420
3. Линолиумли поллар	м ²	200	—	31	89
4. Шифер ёпилган тамлар	м ²	100	—	25	171

Адабиётлар:

1.Э.Х. Махмудов. Капитал қурилиш иқтисодиёти, маърузалар матни, Т.: ТДИУ, 2010.

2.Графова Г.Ф., Гуськов С.В. Экономическая оценка инвестиций: Учебное пособие. Учебное пособие. – М.: «Дашков и К°», 2016. – 183 стр.

3.Степанова И.С. Экономика строительства. Учебник / под общей ред. - 3-е изд., доп. и перераб. Учебное пособие. - М.: Юрайт-Издат, 2016. – 620 стр.

4.Нешиной А.С. Инвестиции: Учебник. – 4-е изд., перераб. и доп. Учебное пособие. – М.: Издательско-торговая корпорация «Дашков и К°», 2006. – 376 стр.

5.Лапыгин Ю.Н., Балакирев А.А. и др. Инвестиционная политика. Учебное пособие. –М.: КНОРУС, 2005. – 320 стр.

8-МАВЗУ. ҚУРИЛИШДА БАҲОНИ ШАКЛЛАНТИРИШ, ДАРОМАД ВА РЕНТАБЕЛЛИК

Нарх, даромад ва рентабеллик – ўзаро боғланган муҳим иқтисодий мезонлардир. Олинган даромад ҳажми катта бўлса, рентабеллик даражаси ҳам шунчалик юқори бўлади. Маҳсулотнинг баланд ёки паст баҳоси даромад ҳажми ва рентабеллик даражасига тегишли таъсир кўрсатади. Бозор иқтисодиёти шароитида баланд даромад ёки флйда олиш – аксарият хўжалик юритувчи субъектларнинг асосий мақсадларидан биридир.

Нарх – товар (маҳсулот) қийматининг пулдаги ифодасидир. Қурилишда нарх ролини объект, қурилиш-монтаж ишлари ва бунёдкорлик хизматларининг смета қиймати нарх ролини ўйнайди. У соҳадаги шартномавий, хўжалик ва бошқа ишлаб чиқариш муносабатларини бошқаришнинг муҳим иқтисодий воситасидир.

Жаҳон миқёсидаги хўжалик юритишамалиётига нархга бир неча ёндашув мавжуд: талаб ва эҳтиёж асосида, маҳсулот (ишлар)га кетган режали харажатлар негизида, шартнома асосида.

Нарх вужудга келиши – нархларнинг шаклланиши, уларнинг даражалари, нисбати ва тузилишининг ўзгаришидир. Одатда ишлаб чиқарувчилар маҳсулот (иш, хизмат)ни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган ресурсларни арзон баҳода олишга, бозор эса ўз маҳсулотини қиммат нархда таклиф этишга ҳаракат қилади. Баландроқ нарх ишлаб чиқарувчини кўпроқ товар ва хизмат таклиф

қилишга рағбатлантиради, чунки бу ҳолда у кўпроқ даромадга эга бўлади. Нарх ва ҳажм бир томонга ўзгарса – бу таклиф қонуни бўлади, яъни нарх ўсган сари таклифлар сони ҳам кўпаяди. Маҳсулот (ишлар, хизматлар)га таянч нархларини ҳисоблаш услубияти, одатда, қуйидаги босқичлардан иборат бўлади: нарх ҳосил қилиш вазифаларини қўйиш, талабни аниқлаш (қурилишда – буюртмачини), ҳаражатларни баҳолаш, ресурслар ва рақобатчиларнинг худди шундай маҳсулотига нархларни таҳлил қилиш, нарх яратиш услубиятларини танлаш, сўнги нархни белгилаш.

Одатда, қурувчилар бошидан нархланган маҳсулот билан, яъни объект қурилишининг смета қиймати билан иш бошламайдилар. Уни лойиҳачи ва буюртмачилар ҳисоб-китоб қилиб, инобатга оладилар. Бироқ қурувчилар қурилишнинг смета қийматига ўзгартиришлар киритишлари мумкин. Бу айниқса, лойиҳаларга киритилган материаллар, буюмлар, асбоб-ускуна ва хоказоларнинг нархи амалда мавжуд нархларга тўғри келмаса, бажарилади.

Нархнинг асосий вазифаси - қийматни сон жиҳатдан акс эттиришдир. У қурилиш саноатида ялпи, товар ва тайёр қурилиш маҳсулотини, бажарилган ишлар босқичини, меҳнат унумдорлигини, рентабелликни ва бошқа кўрсаткичларни аниқлашда қўлланилади.

Нарх омили пудрат шартномаларини тузишда, бажарилган ишларни сарҳисоб қилишда катта аҳамият касб этади. Нархни аниқлашда амалдаги норма ва баҳолашлар, асбоб-ускуналар монтажига белгиланган нарх рўйхатлари ва бошқа расмий ҳужжатлар қўлланилиши мумкин.

Бозор муносабатлари шароитида қурилиш маҳсулотининг қийматини баҳолаш сармоядор (буюртмачи) ва пудратчи томонидан тенг ҳуқуқли асосда пудрат шартномаси (контракт) тузиш пайтида амалга оширилади. Қурилишнинг нархи ёки смета қиймати зарур капитал қуйилмалар ҳажмини аниқлаш, қурилишни молиялаштириш, бажарилган ишлар учун ҳисоб-китоб қилиш учу насос бўлиб хизмат қилади.

Қурилишнинг қиймати ёки нархи қуйидагича аниқланади:

1) Лойиҳанинг бошланғич босқичларида, техник-иқтисодий асослаш (ТИА) чоғида;

2) Лойиҳа-смета ҳужжатлари таркибида, иккинчи ҳолда, яъни лойиҳани ишлаш босқичида қурилишнинг смета қиймати, яъни лойиҳа материалларига кўра у ёки бу объектини (мажмуани) бунёд этиш учун зарур бўлган пул маблағлари суммаси аниқлаб олинади.

У лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш пайтида сармоядор (буюртмачи) топшириғи билан лойиҳага ташкилот томонидан белгиланади.

Даромад – қурилиш ташкилоти фаолиятининг молиявий натижасини акс эттирувчи қиймат (пул) мезонидир. Иқтисодиёт назариясида даромад – бу қўшилган қийматнинг ўзгарган шакли бўлиб, у аниқ шароитларда муайян вақт мобайнида кўрилган фойданинг ҳаражатларидан кўпроқ бўлиши сифатида намоён бўлади. Даромад олиш – ишлаб чиқаришнинг бош мақсади даромад пул йиғилиши, фондлар шаклланиши, асосий ва айланма маблағларнинг

ўсиши, капитал қўйилмалар ва бошқа харажатларни молиялаштиришнинг асосий манбасидир.

Рентабеллик – пудратчи ташкилот, саноаткорхонаси, бирлашма, тармоқнинг самарали фаолияти кўрсаткичларидан биридир. У моддий, меҳнат ва пул ресурсларидан оқилона фойдаланиш даражасини акс эттиради. Рентабеллик маҳсулот баҳоси ва олинган даромад ҳажмига бевосита боғлиқдир.

Мавзуни ўрганиш учун услубий тавсиялар.

Мазкур соҳада қурилишни режалаштириш ва ҳисоботини юритиш амалиётида қурилиш маҳсулотининг баҳоси ёки смета қиймати уч қисмдан таркиб топади: биринчиси – бевосита харажатлар (БХ), иккинчиси - қўшимча харажатлар (ҚХ) ва учинчиси – режалижамғармалар ёки сметали даромад ($P_{ж}$). Бундан келиб чиқиб, қурилиш маҳсулоти бирлигининг баҳоси қуйидаги кўринишга келтирилиши мумкин:

$$C_{смп} = БХ + ҚХ + P_{ж}$$

Ушбу мавзуни ўрганишда қурилишда бозор муносабатларига ўтишдан аввал ҳам қўллаган давлат томонидан кафолатланган даромад кўринишида бўлган режали жамғармаларга қаратиш лозим. Аввалдан сметаларда кўзда тутилган Ушбу даромад (режали жамғармалар)нинг нисбий катталиги хўжалик юритишнинг турли даврларда турли ўлчамларга эга бўлган (қурилиш-монтаж ишлари смета қийматининг 2,5дан 8,0%гача). Энг асосийси, режали жамғармалар аввалгидек давлат билан кафолатланади, деган талаввур вужудга келмаслиги керак.

Режали жамғармалар – бу қурилишнинг муайян турини амалга ошираётган пудрат ташкилоти мўлжал қилиб олган кафолатланган смета даромадидир.

Буюртмачига топшириладиган ишлардан (Π) олинандиган даромад ўлчамини аниқлаш қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\Pi = (C_{смп} K) - C,$$

Бунда: $C_{смп}$ – ишларнинг смета қиймати; C – ишларнинг таннархи (режалаштириладиган, амалдаги); K — компенсация ва имтиёзлар бўйича тўловлар.

Пудратчи ташкилот даромадининг умумий суммаси (баланс даромад) буюртмачига топширилган тайёр қурилиш маҳсулоти (ишлар) ва ташкилот балансида бўлган ёрдамчи корхоналарнинг бошқа турдаги маҳсулот (хузмат) сотишдан олинган даромадлардан таркиб топади.

Қурилиш ташкилотининг даромадли эканини тавсиялашда нафақат олинган даромаднинг абсолют вазни, балки нисбий кўрсаткичлар, шу жумладан рентабелликни ҳам қўллайдилар.

Рентабеллик – иш самарадорлигининг кўрсаткичидир. Ишлаб чиқариш рентабеллиги қанчалик юқори бўлса, қурилиш ташкилотининг иқтисодий ва молиявий барқарорлиги шунчалик мустаҳкам бўлади ва аксинча.

Қурилиш саноатини рентабеллигининг смета, режа ва амалдаги даражаси ажратилади.

Рентабелликнинг сметадаги даражаси (P1) — бу режали жамғармалар (Пн) ва объектнинг смета қиймати (Ос) нисбати, яъни:

$$P_1 = \frac{П_n}{О_c} * 100$$

Рентабелликнинг режали даражаси (P2) — қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$P_2 = \frac{П_n}{Ц_o} * 100$$

Бунда: $П_n$ — режалаштирилаётган даромад; $Ц_o$ — объект қурилиши (ишлар)га келишилган баҳо.

Объектнинг амалдаги рентабеллиги (P3) — барча турдаги қурилиш ишлари якунланиб, объект буюртмачига топширилгандан сўнг қуйидаги формула билан аниқланади:

$$P_3 = \frac{П_\phi}{Ц_\phi} * 100$$

Бунда: $П_\phi$ — буюртмачига объектни топширишдан олинган амалдаги даромад; $Ц_\phi$ — қурилиш объекти (ишлар)нинг амалдаги қиймати (баҳоси).

Қурилиш ташкилотининг рентабелли фаолияти ишлаб чиқариш харажатларидаражасига, яъни бажарилган қурилиш-монтаж ишларининг таннархига боғлиқ. Қурилиш маҳсулотининг таннархи қанчалик паст бўлса (маҳсулот сифатига путур етказмаган ҳолда), рентабеллик даражаси шунчалик баланд бўлади ва аксинча. Шу ўринда қурилиш ресурсларининг барча турларидан унумли фойдаланиш катта аҳамият касб этади. Қурилиш маҳсулотининг буюртмачига топширилишидан олинган даромад таркибидаги тежамкорликнинг солиштирма оғирлигини қуйидаги формула бўйича аниқлаш мумкин:

$$БО_y = \frac{\ddot{I} - \dot{I}_i}{\ddot{I}} * 100,$$

Бунда: $У_y$ — таннархни пасайтириш эвазига эришилган тежамкорликнинг умумий даромаддаги солиштирма оғирлиги (%); $П$ — даромад (режалаштирилаётган ёки амалдаги); $Н_n$ — режали жамғармалар.

Қурилиш саноатида умумқурилиш ва ихтисослашган ташкилотлар, шу жумладан механизация трестлари ва бошқармалари бўлиб, улар қурилиш техникалари паркини ўзида жамлаган ва умумқурилиш ташкилотларидан анча юқори фонд сифими билан ажралиб туради. Бундан келиб чиққан ҳолда рентабеллик даражасини аниқлашнинг турли усуллари қўлланади.

Жумладан, умумқурилиш ташкилотларининг рентабеллик даражаси (Рос) қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$P_{oc} = \frac{П_б}{Q} * 100,$$

Бунда: P_6 – қурилишташкilotининг балансаромади; Q – пудратчиташкilotининг ўзқучибиланамалгаоширилганишлар қиймати.

Ихтисослашганташкilotларнинг (механизациятрестлари) рентабелликдаражасивабошқалари қуйидагиформулабўйичааниқланади:

$$P_{oc} = \frac{P_6}{\Phi_{оп} + O_{nc}} * 100,$$

Бунда: $\Phi_{оп}$ – асосийишлабчиқаришфондларининг ўртачайиллик қиймати; O_{nc} – меъёрланганайланмамаблагларнинг ўртачайиллик қиймати.

Қурилишташкilotининг ялпидаромади (Пв) – бубалансаромади (Пб) ва ҳисобдагидаромад (Пр), яъни:

$$P_6 = P_6 + Pr$$

Софдаромад (Пч) – солиқ (Н) лартўлангандан сўнг ўзига қоладиган даромаддир:

$$P_4 = P_6 - H$$

Бажарилаётган қурилиш-монтажишлари ҳажмининг ортиши ва уларнинг таннарих пасайиши даромад ҳамда қурилиш ишлабчиқаришининг рентабеллик даражасига ижобий таъсир кўрсатади. Ҳатто қатъий белгилаб қўйилган таннарих даражасида ҳам, қурилиш-монтажишлари ҳажми ортса, даромад ҳам ошаверади.

Бажарилганишлар ҳажми ва уларнинг таннарих даражасининг даромад ўлчамига таъсири нибаҳолаш учун режалаштирилган даромаддан чекинишнинг абсолют таълигини аниқла болиш керак.

Сўнг қурилиш-монтажишлари ҳажмининг ортиғи билан бажарилишининг (ёки аксинча) ватаннарих пасайишининг режадагидаромадга таъсири ни аниқлаш лозим бўлади.

Қурилиш-монтажишларининг ҳажмикўрсаткичларини бажаришнинг даромад ўлсамига таъсири ни аниқлаш қуйидагиформулабўйича амалга оширилади:

$$\Delta_o = \frac{P_n * n}{100} - P_n$$

Бунда: Δ_o – ишлар ҳажми бўйича режанинг ортиғи билан бажарилиш ҳисобига даромаднинг ортиши; P_n – қурилиш-монтаж ишларини бажаришдан олинган даромад (режалаштирилган ёки кўзда тутилган); n – қурилиш-монтаж ишлари дастурини (режаси) бажариш кўрсаткичи (%).

Ушбу (Δ_o) кўрсаткичининг салбий кўриниши ишлар ҳажми тўлиқ бажарилмаганлиги оқибатида даромад пасайишини билдиради.

Қурилиш-монтаж ишлари таннарихнинг пасайиши даромад ҳажмига қандай таъсир кўрсатиши қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\Delta_o = Q \frac{3_{\phi} - 3_n}{100},$$

Бунда: Δ_c – қурилиш-монтаж ишлари таннарихнинг пасайишини натижасида даромаднинг ўсиши; Q – қурилиш-монтаж ишларининг амалда бажарилган ҳажми; 3_{ϕ} 3_n – таннарихнинг смета қиймати ганисбатана амалдагиварежадагипасайиши (%).

Умуман, ушбумавзунийргангандан, хўжалиқюритишнингбозортамойилларига, айниқса, ўзиниоқлаш, ўзинини-ўзибошқариш, ўзини-ўзимолиялаштиришкабикўрсаткичларгақўпроқ аҳамиятберишлозим. Зеро, буларқўпжихатдан қурилишташкілотларэркинлигивауларнингишлабчиқаришунумдорлигиниоширишгайўналтирилганстратегиясинибелгилабберади.

Назарий муҳокама ва ўзини текшириш учун саволлар

1. Қурилишда нарх шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари ва бозор шароитида қутилиш маҳсулотлари нархларининг шаклланиш табиати.
2. Қурилиш маҳсулотини ишлаб чиқаришга кетган харажатларнинг замонавий класификацияси.
3. Даромад шаклланишининг тартиби ва қурилишдаги ҳисоблаш услублари.
4. Қурилиш саноатининг рентабеллиги ва уни аниқлаш усуллари.
5. Қурилиш таннархини пасайтириш ва рентабеллигини ошириш йўллари.

Амалий топшириқлар

43-масала. Смета йилида қурилиш-монтаж бошқармаси ишлар дастурини 95%га бажарди, бунда буюртмачига топширилган ишлардан олинган амалдаги даромад 250 млрд. сўмни ташкил этади. Режалаштирилаётган даромад эса 240 млрд. сўм эди.

Аниқланг: қурилиш-монтаж ишлари дастури тўлиқ бажарилмагани боис бошқарма ололмаган даромад ўлчамини аниқланг.

44-масала. Ҳисобот йилида қурилиш бошқармаси қурилиш-монтаж ишларининг 93%ни ўз кучи билан бажарди. Ишларнинг амалдаги таннархи режадаги 4,0% ўрнига 5,5%га пасайтирилган. Буюртмачига топширилган иш ҳажми 350,0 млрд. сўм бўлганда 277,9 млрд. сўмни ташкил этди, режада эса бу кўрсаткич 242,3 млрд. сўм эди.

Аниқланг:

1) Қурилиш-монтаж ишлари дастури тўлиқ бажарилмаганлиги сабаб даромад қанчага пасайган?

2) Таннархни пасайтириш режасининг ошриб бажарилганлиги боис даромаднинг ортиши қанча бўлган?

45-масала. Қурилиш трести ҳисобот йилида буюртмачига (смета қиймати бўйича) 43,5 млрд. сўмлик иш топширди. Бажарилган ишларнинг амалдаги таннархи – 39,1 млрд. сўм, баланси алоҳида бўлмаган ёрдамчи корхоналарнинг четга товар сотишидан олинган даромад – 400 млн. сўм. Жарима, пеня, товонлардан харажатлар (тўлаб бўлинганлардан ташқари) – 150 млн. сўм. Турар-жой коммунал хўжалик талофатлари (зарари) – 295 млн. сўм.

Аниқланг:

1) Трест олган даромад қанча?

2) Трест бўйича рентабеллик даражаси, шу жумладан, қурилиш-монтаж ишлари бўйича.

46-масала. Ҳисобот йилида учта қурилиш ташкилоти бўйича қуйидаги 13-жадвалда келтирилган натижалар қайд этилган.

13-жадвал
(млрд. сўм)

Кўрсаткичлар	1-ҚМБ	2-ҚМБ	«Фундамент қурилиш» ҚМБ
1. Ишларнинг смета қиймати	5350	4500	4850
2. Ишларнинг таннари			
режа бўйича	5150	4200	4400
Амалда	5136	4190	4250
3. Смета қийматидан ташқарии товон тўлаш тариқасида кетган ҳаражатлар	150	40	80

Аниқланг:

- 1) Қурилиш ташкилотлари бўйича режадаги ва амалдаги рентабеллик даражаси;
- 2) Олинган натижаларни таққослаб, рентабеллик энг баланд бўлган қурилиш ташкилотини аниқланг.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Графова Г.Ф., Гуськов С.В. Экономическая оценка инвестиций: Учебное пособие. Учебное пособие. – М.: «Дашков и К°», 2008. – 183 стр.
2. Степанова И.С. Экономика строительства. Учебник / под общей ред. - 3-е изд., доп. и перераб. Учебное пособие. - М.: Юрайт-Издат, 2008. – 620стр.
3. Нешиной А.С. Инвестиции: Учебник. – 4-е изд., перераб. и доп. Учебное пособие. – М.: Издательско-торговая корпорация «Дашков и К°», 2006. – 376 стр.
4. Лапыгин Ю.Н., Балакирев А.А. и др. Инвестиционная политика. Учебное пособие. –М.: КНОРУС, 2005. – 320 стр

II. Статистик маълумотлар тўпламлари

1. Ўзбекистоннинг ижтимоий – иқтисодий ривожланиши.-Т.:2015.-150 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика Қўмитаси маълумотлари.2015 .-160 б.

III. Интернет сайтлари

3. www.google.ru.
4. www.reviem.uz
5. www.cer.uz
6. www.obo.ru. www.Ziyo.net
7. [www. Manajement.ru](http://www.Manajement.ru)
8. [www. MBA.ru](http://www.MBA.ru)
9. www.ysue.py.– Уралский государственный экономический университет
10. www.исе.спб.py.– Санкт – Петербургский торгово – экономический институт.